



1/2017

# ШАСКИ ЖАДОВСТЫ





Айова штати госпиталида

Мен Гулбарчин Қўчқорова, она юртим Ўзбекистон, шу юрт фуқароси – ўзбек фарзандиман. АҚШнинг Айова штатида Клинтон шаҳрида оиласам билан яшайман. Икки ўғлим Айова штати университетида таҳсил олади. Ўзим математика ўқитувчисиман.

Тўсатдан чап оёғим ишламай қолди. Оғриқ қаттиқ, чидаёлмайман. Зудлик билан госпиталга ётқизишиди. Врачлар синчковлик билан таҳлил қилишиди, ўрганишиди, даволаш муолажаларидан кейин уйга жавоб беришиди. Хаёлимдан нималар кечмади дейсиз. “Мени Тошкентга ўз уйимга олиб боринглар” деб фарзандларимга айтсан, врачлар “йўқ биз самолётда учишингизга кафолат бермаймиз” деб рад жавоб беришиди. Тушларимни айтмасам ҳам бўлади... Уйга кетишга қатъий қарор қилдим. Самолётда ахволим оғирлашди. Аравачада Тошкентта етиб келдим.

Қариндош-уруг, ёру дўстлар Республика шошилинч тибий ёрдам илмий марказига, Тошкент тиббиёт академиясига, кўкрак жарроҳлиги касалхоналарига ҳам олиб боришиди. Кўкрак жарроҳлиги

касалхонасида, очигини айтишим керак мени жуда ноумид ҳам қилишди. “Майли тақдирга тан бердим, ўз она юртимдаман-ку”, деб ўзимга тасалли бераман.

Мени кўргани келган яқин дўстим, курсдошим Сайёра менга “хафагарчиликни йигишитир, ноумид бўлма, мен сени бир жойга олиб бораман” деб Ўзбекистон халқ табобати академиясининг руҳшунос табибаси Шаҳзода Тулепова хузурига олиб борди. Шаҳзода опанинг муолажаларини гапиришга тил ожиз... Хуллас, учинчи куни мен ўша ўзим ўтирган ногиронлар аравачасини кўтариб ташқарига чиққанимда такси ҳайдовчисининг эси оғиб қолди. Ҳозир мен соғ-саломат югуриб юрибман.

Ҳа, биз Ибн Сино бобомизнинг киндик қони тўкилган муқаддас заминдан эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Минг йил олдин бобомиз дунё илм ахлини ларзага соглан экан, бобомизнинг руҳини шод қилган бу юрт табибларининг довруғи олам узра таралишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Ана шу юрт – Она заминимга таъзим! Юртимизда халқ табобатини истиқболи порлоқ, нурли келажак сари етаклаётган Президентимизга таъзим!





## *Мұхтарам мұштарий!*

Табассум... Баҳри дилингиз яйрайди бу сүзни әшиттанды. Юзингизда шодлик балқыйди кимдир сизга табассум билан бөкса. Үндан маҳрум таниш-нотаниш инсонларнинг бир-бирларига зарда билан, құрс-қўпол муомаласини кўрганингизда қалбингиз оғрийди. Бундай муносабатлар кишининг тезда асабийлашувига олиб келади. Қайфияти йўқ одамнинг кўнглини кўтариш эса жуда яхши. Ўзингиз газабланиб турганингизда бирор сизга табассум қилса, қандай яхши. Жаҳдолор бир кимсаннинг хатти-ҳаракати атрофдагиларнинг барчасига бирдек таъсир қиласи. Ҳаммаси қайфиятга ва инсоннинг ўз ихтиёрига боғлиқ. Бунинг учун эса ҳамиша табассумли бўлиш кишига ҳузур баҳш этади. Чунки у ҳам ибодатдир. Зотан, Пайгамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Яхшиликни чеҳралари очик, хушрой одамлардан кутинглар", дея бекорга марҳамат қилмаганлар.

Одамлар бир-бirisiz яшай олмайдилар! Шундай экан, нега улар орасида адоват, ҳасад, қонхўрлик авж олган?! Минг йиллик табобатимизга ҳасад, ёз-ёзлар халигача тугамайды. Майда шогирдлари ёзишдан чарчаб, эплай олмади шекилли, энди устозлари иш бошлади. Булар – қалбнинг нопоклигидан, шайтон ва нафсиға эргашиб, Ҳақни унтуганидан эмасми? Инсонларнинг бир-бирига ишончсизлиги-чи? Машойихларнинг айтишича, Яратганинг ваъдалариға ишонмаган одамга қандай ишониш мумкин? Барча ёмонликлардан воз кечган кишиларга Аллоҳ таоло охиратда жамолини ваъда қилди. Ахир, бутун борлиқни яратган Зотнинг жамолини кўришни ким хоҳламайди, дейсиз?! Лекин биз эса ҳамон ёмон феъл-ахлоқларимиз билан шугулланмасдан, уларнинг сонини кўпайтириш билан оворамиз. Барча имкониятлар ўз қўлимизда. Улардан оқилона фойдаланиш эса виждонимиз олдида турган энг буюк масъулиятдир.

*Табассум ҳам ибодатдир...*



# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАБОБАТИ АКАДЕМИЯСИ

ИЛМИЙ-ТИББИЙ, МАЪРИФИЙ-ҚОМУСИЙ ЖУРНАЛ

# Шарқ табобати

SHARQ TABOBATI

1-сон. 2017 йил

Ушбу сонда:

Илми набз асослари

Буйрак хасталикларини даволаш

Ўзбек халқ табобатининг назарий асослари

Халқ табобати дорихонаси

Тажрибадан ўтган муолажалар

Боситхон табиб меросидан

Эрлик иқтидорини асраш усуллари



Муҳаммад ҲАМРОЕВ (Таҳрир ҳайъати раиси), шайх Абдулазиз МАНСУР, Иброҳимжон АСҚАРОВ, Нажмиддин МҮМИНОВ, Неъмат МАМАСОЛИЕВ, Муҳиддин НАРЗИҚУЛОВ, Носир МУҲАММАД, Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Азиз САИД, Санъатхон ҲАМРОЕВА (масъул котиб).

«Шарқ табобати» журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги олий аттестация комиссияси раёсатининг 2012 йил 31 майдаги №185/5 сонли қарори билан халқ табобати соҳасидаги илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилган.

ISSN 2181-6719

23.01.2017 йилда босишига рухсат этилди. Бичими 84x60 1/8. 5 босма тобоқ. Буюртма № s-8114. Миқдори: 3000 дона.  
Баҳоси сотувда эркин нархда. Ўзбекистон халқ табобати академияси нашр-матбаа марказида нашрга тайёрланди.  
Саҳифаловчи-дизайнерлар: Райхон Яҳшибоева, Беҳзод Ҳамро Муҳаммадзода.

Журнал «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кӯчаси, 30-үй.

«Шарқ табобати» журнали 2007 йил 22 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0206 рақам  
билин рўйхатга олинган.  
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, 9-мавзе. Тел.: 21-86-92.

## ИЛМИ НАБЗ АСОСЛАРИ

*(Абу Али ибн Синодан)*

"Биринчидан, билиш керакки, бизнинг иззатли ва улуг Яратувчимиз буларни Ўз ҳикмати деб билади ва билишни истаган бандаларини улар ҳақида озгина хабардор қилиб кўйган. Осмоннинг остидаги мана шу қўйи оламда асосий тўрт жавҳарни яратди. Бири – олов, яна бири – ҳаво, яна бири – сув, яна бири – тупроқ. Булардан озми-кўпми олиб аралаштиришдан бошқа нарсаларни яратди. Масалан, булут ва ёмғир, яна тош ва эрийдиган гавҳар. Яна ўсувчи жавҳар, ҳис билан сезувчи жавҳар ва одам жавҳари. Буларнинг ҳар бирида асосий тўрт жавҳарнинг миқдори ҳар хил, уларнинг қоришиши ҳам бошқа-бошқа.

Оловни иссиқ қилиб яратди ва қуруқликка эга қилди.

Ҳавони ҳўл қилиб яратди ва иссиқликка эга қилди.

Сувни совук қилиб яратди ва ҳўлликка эга қилди.

Тупроқ ва ерни қуруқ қилиб яратди ва совукликка эга қилди.

Бу тўрт асосий жавҳарнинг энг мўътадил қоришиши одамdir. Одамни уч нарсанинг тўпланишидан яратди: бири – тан, буни арабчада "бадан" ва "жасад" дейдилар; иккинчиси – жон, буни "руҳ" дейдилар; учинчиси – равон, буни "нафс" дейдилар.

Жасад ғализ ва руҳ латифдир. Нафс эса бу жавҳарлардан бошқа бир нарса бўлиб, унинг латифлиги ҳам руҳнинг латифлигидан бошқа. Руҳ латифлигининг маъноси нозиклик, жавҳарининг майинлиги ва жисмининг тиник ҳаводек тиниқлигидир.

Нафснинг латифлиги бошқача, у нозик бўлмайди, балки сўз латифлиги ва маъно латифлигига ўхшайди.

Яратувчи – танани аъзолардан тузди, аъзоларни эса хилтларнинг қуюқ қисмидан яратди. Руҳга келганда, уни хилтларнинг латиф ва буғ қисмидан яратди.

Хилтлар тўртта. Биринчиси, тоза қон, яъни асл қон. Иккинчиси, балғам, яъни ярим қон ва етилмаган қон. Учинчиси, сафро бўлиб, бу қоннинг кўпигидир. Тўртингчиси, савдо бўлиб, бу қоннинг қуйқаси ва чўқмасидир. Бу тўрт хилтни У Зот олдинги тўртта асосий жавҳардан ҳар хил миқдор ва қоришмаларда яратди.

Яна бу тўртта хилтдан хилма-хил миқдор ва қоришмаларда ҳар хил аъзоларни яратди. Уларнинг бирида қон кўпроқ, масалан, гўштда. Яна бирида савдо кўпроқ, бунинг мисоли суяқ. Яна бирида балғам кўпроқ, бунинг мисоли мия. Бошқа бирида сафро кўпроқ, бунинг мисоли ўпка.

Жонни ҳам шу хилтларнинг латиф қисмидан яратган. Ҳар бир жон таркибининг ўзига хос миқдори ва қоришмаси бор. Жоннинг асосий туғилиш ва парвариши топиш жойи юракда. Унинг турар жойи юрак ва артериялар бўлиб, у юракдан артериялар воситасида бошқа аъзоларга боради. У аввал мия, жигар ва маний аъзолари каби бошқарувчи аъзоларга боради; кейин у

жойлардан бошқа аъзоларга боради. Ҳар бир жойда руҳнинг табиати бошқача бўлади.

Руҳ юракда ниҳоятда иссиқ бўлиб, унда оловлик табиати билан сафронинг латифлиги голиб бўлади.

Мия тирик бўлиши ва ўз ишларини бажариши учун руҳнинг унга ўтган қисми совуқроқ ва ҳўлроқ бўлиб қолади, шунингдек, унинг таркибида сувнинг латифлиги ва балгамнинг буғи ортади.

Жигарнинг тирик бўлиши ва ўз ишларини бажариши учун руҳнинг жигарга ўтган қисми майинроқ, иссиқроқ ва ҳисда ҳўлроқ бўлади. Унинг таркибида ҳавонинг латифлиги ва қоннинг буғи ортади.

Қисқа қилиб айтганда, асосий руҳлар тўртга. Биринчиси – ҳаётий руҳ бўлиб, у юракда жойлашади ва ҳамма руҳларнинг асосидир. Иккинчиси – табибларнинг тили билан айтганда, нафсоний руҳ мияда бўлади. Учинчиси – табибларнинг тили билан айтганда, табиий руҳ жигарда бўлади. Тўртингчиси – тудиривчи руҳ, яъни тудириш руҳи бўлиб, у мояқда бўлади. Бу тўртта руҳ ниҳоятда пок, тиниқ бўлган нафс билан ниҳоятда ғализ бўлган тана ўргасида воситачидир. Нафс қувватлари, масалан, ҳис қуввати, ҳаракат қуввати ва бошқа қувватлар руҳ воситачилигига ҳамма аъзоларга етиб боради.

Томир уриши ҳақидаги илм арабчада илми набз дейилади.

Сув (пешоб) илмини арабчада тафсира дейилади ва у хилтларнинг аҳволини ўрганади. Томир уриши кўпроқ юрак аҳволига далил бўлади, чунки юрак руҳнинг туғилиш ўрнидир. Сув (пешоб) кўпроқ жигарнинг аҳволидан далолат беради, чунки жигар хилтларнинг туғилиш ўрнидир.

Томир уришининг сабаблари ҳақида. Биринчидан, билгинки, томир уришининг ҳамма турларида энг яхшиси мўътадил бўлганидир; қувватга келганда у қанчалик кўп бўлса, шунчалик яхши. Томир уришининг тутиб турувчи (мосика) деб аталадиган асосий сабаблари учта:

Олат (аъзо) – бу томирдир.

Қувват – бу ҳаракатга келтирувчидир.

Ҳожат ёки эҳтиёж – иссиқлик.

Агар аъзо, яъни томир юмшоқ, қувват кучли ва ҳожат кўп бўлса, томир уриши катта бўлади. Агар булардан бирортасида камчилик бўлса, томир уриши катта бўлмайди, аммо томир уришининг катта бўлмаслигининг чорасини тез уриш билан кўрилади. Агар қувват кучли бўлмаса, томир тез ура олмайди, дамбадам уради. Агар бундан ҳам заифроқ бўлса, томир дам-бадам ҳам ура олмайди, тафовути (тўхтаб-тўхтаб) уради.

Гўшт кам бўлганда томир узун ва энлик кўринади. Агар гўшт кўп бўлса, томир кичик ва ингичка кўринади.

Уйкусизлик, гам, бетоблик, хилтлардан тананинг булганиши, ҳаддан ташқари кўп жисмоний ҳаракат, табиий ёки касаллик туфайли бўладиган ҳўллик томир уришини заифлаштиради.

Қачонки, қувват күчли бўлса ва томир буйруксиз бўлса, томир икки зарбали ва аррасимон уради.

Қачонки, қувват тинчланишни, дам олишни хоҳласа ёки юрак бирон нарса билан машгул бўлса, томирнинг тўхтаб урадиган ҳолати юз беради; заифликдан чумолисимон ва қуртсимон томир уришлари келиб чиқади.

Эркакларнинг томир уриши каттароқ ва кучлироқ бўлади, аммо жуда тез эмас, чунки катталиги туфайли тезликка эҳтиёжи қолмайди.

Аёлларнинг томир уриши катта ва тез бўлиши кузатилади.

Сочига оқ тушганларнинг томир уриши кичикроқ ва "хожати" камроқ бўлгани учун жуда тез бўлмайди, шунингдек, кетма-кет ҳам бўлмайди.

Қариларнинг томири кичик, секин ва тафовутли, тўхтаб-тўхтаб урадиган бўлади. Улардаги бегона руғубат сабабли томир уришлари майин ҳам бўлади.

Иссиқ мизож - ёшлар ҳукмида. Совуқ мизожлилар эса қариларга ўҳшайди. Табиий ҳарорат қанча кўп бўлса, томир уриши шунча қучлироқ бўлади. Бегона ҳарорат қанчалик кўп бўлса, томир уриши шунчалик заиф бўлади.

Баҳордаги томир уриши ёшларнинг томир уриши каби бўлади. Ёзда томир уриши кичик, тез ва кетма-кет бўлади. Қишда томир уриши заиф, тафовутли ва секин бўлади. Куздагиси эса қаттиқ ва кичик бўлади.

Овқатга тўйғандан кейинги томир уриши мўътадил катта, тез ва кетма-кет бўлади. Кўп овқат ейишдан томир уриши хилма-хил ва тартибсиз бўлади. Овқат ҳазм бўлса, томир уриши яхши бўлади. Агар ҳазм бўлмаса, томир уриши тезлашади. Шаробдан ҳам шундай бўлади, сув амалда шаробдан заифроқдир.

Томир уриши уйқунинг бошида – табиий ҳарорат овқатни ҳазм қилиш учун ичга қочганлиги сабабли кичик ва заиф, шунингдек, секин ва тафовутли бўлади. Овқат ҳазм бўлгандан кейин ҳарорат ичкаридан чиқади ва томир уриши яхшиланади.

Шундай қилиб, агар киши узоқ вақт уйқуда қолса, томир уриши заифлашади. Агар уйқудаги кишининг қорнида овқат бўлмаса, уйқу томир уришини совуқликка тортади. Киши уйқудан уйғонгандан, томир уриши катталашади ва шу вақтда титровчи бўлади.

Мўтадил риёзат, жисмоний ҳаракат қилиш томир уришини яхшилайди, риёзатни ортиқча қилиши томир уришини кичик, тез ва кетма-кет қиласи. Янада кўпроқ риёзат қилинса, томир уришининг тезлиги камаяди, кетма-кетлиги ошади. Шундай бўладики, ҳаммом ва иссиқ сув аввал томир уришини яхшилайди. Тана совугач, томир уришини заифлаштиради. Совуқ сувга келсақ, агар унинг совуқлиги танага ўтса, томир уришини совуқликка, совуқликдаги томир уришига буради. Агар танага ўтмаса, у табиий ҳароратни йигади ва томир уришини яхшилайди". (Абу Али ибн Синонинг "Томир уриши" ҳақидаги рисоласидан биринчи ва тўққизинчи фасллар).

Томир ҳаракати қизил қон томирлари (шарён)-нинг ҳаракатидан иборат бўлиб, юракнинг қисқариш ва кенгайишидан келиб чиқади. Шарёнда икки ҳаракат, бир жимлик (сукут) бўлади. Икки ҳаракат томирнинг кенгайиши (инбисот) ва торайиши (инқибоз)дан иборат. Лекин ҳаракат даври ўргасидаги жимлик даври равшан бўлмайди. Табиб томирни туттанды кенгайиш ва торайиш муддати билан жимлик муддати қанчалик эканлигини аниқ билиши лозим. Кенгайиши ҳаракати осон сезилади, доим қўл учига урилади. Торайиши (инқибоз)ни билиш қийин. Бундай ҳолларда томирнинг ҳаракатидаги қаттиқлик, тезлик ва кичикликни сезиш лозим.

Қизил қон томирининг ҳаракати (куйида шарён ҳаракати дейилади) юракнинг ҳаракати билан тенг бўлади. Ортиқ ёки кам бўлмайди. Шарён томирлар юракдан бутун аъзоларга борадиган томирлар бўлиб, бирор аъзода ўзгариш юз бериб, шарён ҳаракатида тўсиқ пайдо бўлса, юракда акс этади. Юрак бошқарувчи раис аъзо бўлгани учун, баданни таъминлагувчи қон томирлар ҳаракатини ҳам бошқаради. Юрак қонга соғ ҳаво олишда ўпканинг ёрдамига таянади. Баданга керакли соғ ҳаво ва қувватларни ўзида сақлаган қон шарён томирлар орқали етказиб берилади. Қондаги бузук ҳаво юрак ҳаракати, ўпка ёрдами орқали кераксиз моддалар кўк қон (варид) томирлари ва юракнинг воситаси билан буйрак орқали сиртга чиқарилади. Ҳаёт табиий иссиқлик билан мавжуд бўлиб туради. Бу куч (иссиқлик) юракда бўлади. Шунинг учун табиий иссиқликнинг аҳволи юракдан билинади. Табиб буни томир орқали пайқайди. Шарён томири ичидаги қонда ҳаётин куч бўлади. Шунинг учун табиб танадаги ҳаётин куч (ҳайвоний қувват)ни тананинг бу кучга бўлган эҳтиёжи оз-кўплигини билишни мақсад қилиб, томирни тутиб, шарён ҳаракатидан излаши лозим. Касал кишининг томирини тутишда, аввало, томирнинг тез-аста ёки бараварлиги, баланд-пастлиги, иссиқ-совуқлиги, қаттиқ-юмшоқлиги каби аҳволарини билиш муҳим. Шундагина яна ҳам чукур, атрофлича текшириш ва муҳокама қилиш орқали нафақат юракнинг, балки бутун тананинг аҳволини ўрганса бўлади.

Томир тутиш усули. Томир билагузук тақиладиган шарён томирдан тутилади. Бу жойдаги гўшт қатламлари нафис, томир юза жойлашган, тутиб билишга осон бўлиб, ортиқча қийинчилик тудирмайди. Бу томирни қадимги устозларимиз томир тутиб текширишга куляй томир деб қарашган. Бошнинг томиридан ҳам осон билса бўлади. Аммо бу усул кўп ишлатилмайди. Томир тутишни ўрганишда аввало мизожи мўтадил, танаси соглом кишиларнинг томирини тутиб, томир уриши аҳволларини кўп синаб ўрганганидан кейин уни бошқа касал кишиларнинг томирлари билан солиштириб ўрганиш лозим.

Табиб бош бармогидан бошқа тўрт бармогини касалнинг томири устига кўйиб тутиши, касал киши кўлини текис тутиб бериши лозим. Табиб, аввало, томирнинг суст ёки кучли эканлигини пайқаб, кучли бўлса ўртаҳол, ожиз бўлса енгил куч билан тутиши керак. Касаллик мураккаб бўлса, узоқроқ тутиб, қандай ўзгариш борлигини аниқ билиши лозим, чунки узоқ тутиб турганда томир ўз аслига қайтади.

(Давоми келгуси сонда)

# ХАЛҚ ТАБОБАТИ РИВОЖЛАНИШИННИГ ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Рўзимуҳаммад Хонназаров,  
Ўзбекистон халқ табобати академияси  
раёсати аъзоси, юридик фанлари номзоди.*

Бугунги кунда дунё ҳалқлари орасида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам, "Халқ табобати", "Табиблик фаолияти", "Табиб", "Халқ табобати табиий дори воситалари" каби тушунчалар ва муносабатлар мавжуд бўлиб, бироқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида бу муносабатларга ҳуқуқий баҳо берилмаган. Бу эса ҳалқ табобати фаолияти билан боғлиқ муносабатлар де-факто мавжуд бўлиб, бу муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларнинг мавжуд эмаслиги эса замонавий ҳалқ табобатини ривожлантиришнинг илмий ва ҳуқуқий асосларини яратиш ҳалқ табобати соҳасини, қолаверса, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ривожланишига тўсқинлик қўлмоқда.

Ўз вақтида ҳалқ табобати анъанавий – традицион ва расмий – илмий тиббиётнинг пайдо бўлиши ва тараққиётига асос бўлган ҳамда бу тиббиёт бошлангич даврда беморларни даволашда ҳалқ табобатининг доривор воситаларидан фойдаланган, кейинчалик уларнинг фаолияти тажрибалар ёрдамида илмий асосланган.

Ҳалқ табобати ҳалқ томонидан яратилган ҳамда шу даврлар ичида тажрибалар асосида тўплантган даволаш воситалари ва усуслари мажмуудир. Бу воситалар ва усуслар ёрдамида ҳалқлари асосан табиблар даволаганлар, ҳозирда ҳам даволайдилар.

Ҳалқ табобати – ер юзида инсониятнинг пайдо бўлиши билан тенг деб эътироф этган гарблик олимлар Л.Морган, Э.Тейлор, Р.С.Солески, В.П.Алексеев ва бошقا қўплаб бошқа ибтидоий маданият тадқиқотчилари бу ҳақда ўз асарларида қўп ва хўп ёзганлар.

Ҳалқ табобатининг тажрибаси минг йиллар давомида жамланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган ва дастлаб урф-одат, анъаналар, ахлоқ қоидалари билан тартибга солиниб келинган. Кейинчалик, шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши билан инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиши давлат аҳамиятига молик ижтимоий масала дарражасига қўтарилган.

Ҳалқ табобати ривожланиши тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, қадимдан беморларга қаратидиган, уларни даволашга уринадиган шахсларнинг масъулияти ҳақида тортишиб келинган. Кўпчилик ҳолларда табибларнинг масъулияти қаттиқ назоратга олинган, муолажаси зарар келтирган табибга нисбатан у етказиб қўйган зарарнинг миқдорига қараб, унинг қўлини кесиш, ҳатто, қатл қилиш каби жазолар ҳам қўлланилган. Албатта, бундай ҳукмлар кишиларнинг тиб билан шугулланишдан ўзларини олиб қочишлирага сабаб бўлган.

Бошқа баъзи ҳолатларда табиб тамоман масъулиятдан озод қилинган. Бу ҳолатда эса беморлар зарар кўрган. Масъулиятни сезмаган табиблар нимани хоҳласа, шуни қиласидиган бўлиб кетганлар. Мусулмон ҳуқуқининг асосий манбаларидан бири бўлган Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг "Кимки ўзида тиб билинмаган ҳолда ўзича табиблик қилса, зоминдир", деган мазмундаги ҳадисларига амал қилинган. Яъни, кимда тибга лаёқат, етарли билим ва тажриба

бўлмай туриб, ўзбошимчалик билан табиблик қилса, етказган ҳар бир зарапи учун жавобгар бўлган.

Тибни билмайдиган одам унга умуман яқин ҳам келмаган. Тибни билганлар эса иймон ва ихлос билан, сид-қидилдан хизмат қилганлар. Кейинчалик, замон ўзгариб, инсонлар ҳам, тибни даъво қилувчilar ҳам қўпайиб, ҳақиқий табибдан – табибликни даъво қилувчини ажратиб бўлмайдиган ҳолга етганда бу масалани жиддий ҳал этишга тўғри келган. Ана шу пайтдан бошлаб бу муносабатларни қонуний тартибга солишининг дастлабки кўришилари пайдо бўлган десак, муболага бўлмайди.

Шу ўринда "тиб" сўзининг лугавий маъносига аниқлик киритишимиз лозим бўлади.

"Тиб" сўзи арабча сўз бўлиб, ўзида бир неча маъноларни акс эттиради:

1. "Тиб" ислоҳ, тузатиш маъноларини англатади. "Тиб қилди" деганда "касалликни, беморни ислоҳ қилди", "тузатди" деган маънолар тушунилади.

2. "Тиб" моҳирлик, ҳозиқлик маъноларини англатади. Лугатшунос олимлардан Абу Убайд "Тибнинг асли – нарсаларни жуда яхши билиш ва уларга жуда моҳир бўлишидир", деган. Албатта, табиблик барча дардларни, дориларни ва беморларни ҳамда улар билан қандай муомала қилишини яхши билишдан иборатдир.

3. "Тиб" одат маъносини англатади.

4. "Тиб" сехр маъносини англатади. Тибда бўладиган нарсаларда ҳам сехрга ўхшашлик борлиги учун ҳам шундай дейилган. Масалан, бемор аҳволининг тўсатдан яхшиланиши сехрга ўхшатилган.

Демак, табобат ва табиб сўзлари ҳам "тиб" билан шугулланувчи қасб ва фаолияти сифатида шаклланган. "Ҳалқ табобати" эса дастлаб тиб иши жамоа аъзоларининг умумий машгулоти бўлганлиги учун ва бу чоратадирилар ҳамда усуллар ҳалқнинг орасида – устоздан шогирдга ва отадан фарзандга ўтиб сайқалланиб келганлиги учун ҳам "Ҳалқ табобати" ҳалқнинг умуммиллий қадрияти сифатида қаралиб келинган тушунчадир.

Энди "медицина" сўзининг келиб чиқиши ва шаклланиши тарихига бироз назар ташлайлик.

Ҳар бир илмий ҳаракатни ривожлантиришда, уни илм ахлига етказища ва ниҳоят, ўша илмий ҳаракат самарасини келажак авлодга қолдириб кетища китоблар муҳим ўрин тутади. Шарқ алломалари улкан цивилизация соҳиблари сифатида мана шу ишларга алоҳида эътибор берганлар. Улар илмнинг турли соҳаларида бўлсанлар ҳам аста-секин ҳақиқат юзага чиқмоқда.

Бу борада улуғ ватандошимиз, бутун дунё тиббиёт олами ахлининг фахри, шайхур-раис Ибн Сино биринчилар қаторида туради. Бутун Фарбнинг тиббий саводи Ибн

Синонинг китоблари орқали чиққан, десак, муболага қўлмаган бўламиз. Фарбликлар тиб соҳасида бирор муваффақиятга эришсалар, бунинг учун Ибн Сино олдилда қарздор эканликларини яхши биладилар. Ўша вақтларда улар ўзларининг тибда пешқадам бўлганларини Ибн Сино деб аташар экан. Ибн Синони "Авиценна" шаклида айтишлари ҳаммамизга маълум. Худди шу талаффуздан "Медицина" истилоҳи келиб чиққанлиги ҳам бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Фарбликларнинг ўзлари эътироф қилишларича, Ибн Сино уларга етти юз йил давомида устозлик қилган. Унинг китоблари гарб тилларига таржима қилинган биринчи китоблардан ҳисобланади. Хусусан, "Ал-қонун фит тиб" китоби кенг шуҳрат топган эди.

"Ал-қонун фит тиб" китоби илк бор Европада 1473 йили февраль ойида, Милан шаҳрида чоп этилди. Икки йилдан сўнг иккинчи марта нашр қилинди. Кейин учинчи марта чоп этилди. 1500 йилга келиб бу китоб Европада ўн олти марта чоп этилган эди.

Жолинуснинг китоби эса бир марта чоп этилгани бўйича қайта чоп этилмади.

Кейинги асрда эса "Ал-қонун фит тиб" йигирма марта чоп қилинди. Шундай қилиб нашрлар кетма-кетлиги ўн еттинчи асрнинг ярмигача узлуксиз давом этди. Ибн Синонинг китоби дунёда илм аҳли ўқиган энг кўп ўқилган китоб бўлиб қолди.

Буюк аждодимиз Ибн Сино ҳақида қанча гапирсак ва ёzsак шунча оз. Ушбу ўринда ҳам кўп нарсани эътибордан четда қолдирмоқдамиз. Зеро, бу тадқиқот ишимиzinинг мақсади бошқа. Қолаверса, Ибн Сино ҳақида бизда кўп ёзилган. Аммо бу борада бальзи нарсаларни таъкидлаб ўтиш лозим. Илгари Ибн Сино ва бошқа алломаларимиз ва уларнинг илмий мерослари бир ёқлама нуқтаи назаридан ёзилган эди. Уларнинг ҳаётлари ва ижодларини ҳам ўша мағкурага мосланган эди. Қолаверса, коммунистлар ўтган алломаларимиздан ҳар соҳадан бир кишини танлаб олиб, ўзларига мослаштириб ёзганлар. Гўёки бир одамгина илмга эга бўлган-у, бошқалар ҳеч нарсани билмагандай кўриниб қолишига уларнинг калта фаҳмлари етмаган.

Машхур алломаларнинг етишиб чиқиши учун етарли мұхит бўлиши шартлиги, уларга таълим берадиган устозлар лозимлиги, улар ўқиб ўрганадиган китоблар зарурлиги, улар мусобақалашадиган шериклар керак бўлиши сир эмас.

Ибн Сино ва у кишига ўхшаш алломаларимиз худди биз ҳозир таъриф қилаётган мұхитда етишиб чиққанлар. Шунинг учун ҳар нарсани ўз номи билан аташ кераклиги нуқтаи назаридан, юртимиздан чиққан алломаларимиз ҳаёти ва ижодини ва улар етишган мұхитни ҳаққонийлигича ўрганишимиз елкамизга ортилган улкан масъулият эканлигини ҳеч биримиз ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда, машхур аллома Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўқув юртларида асосий тиббиёт дарслкларидан бири сифатида ўқитиб келингани, дунё миқёсида "Медицина", "Соғлом турмуш тарзи" деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилгани, албатта, чуқур ҳаётий ва илмий заминга эга.

2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида "Ўрга асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги

роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда ўз маърузаси билан иштирок этган хорижлик олим Марио Салерно, Салерно университети профессори (Италия) куйидаги фикрларини билдириб ўтганлигини келтириб ўтишни лозим топдик:

"Юртингизда дунё цивилизацияси ривожига бекёёс ҳисса қўшган кўплаб олимлар яшаб ўтган. Улардан бири – Абу Али ибн Сино жаҳон тиббиётининг ёрқин юлдузи, Марказий Осиё ҳалқлари маданиятини ўрта асрлар шароитида дунё маданиятининг олдинги қаторига олиб чиққан буюк мутафаккирлардан бири сифатида дунёга машҳур.

Буюк аллома меросида ҳалқ табобати алоҳида ўрин туади. Инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаёт сифатини яхшилашда замонавий тиббиёт билан бирга илмий асосланган ҳалқ табобати ҳам катта аҳамият қасб этади. Илм-фан ва адабиётнинг турли ўйналишларига оид 450 дан зиёд асар яратган, тиббиёт соҳасидаги қатор қашфиётлари бугун ҳам амалда кенг қўлланилаётган бу буюк алломанинг жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси бекёёсdir".

Умуман, буюк аждодларимизнинг тиб соҳасида ёзган китоблари ҳақида сўз юрита туриб, Олмониялик шарқшунос Зигрид Хунке хонимнинг "Оллоҳнинг қўёши оврўпани ёритур" китобидан қуидагиларни келтирамиз: "Олти юз йил илгари Парижнинг тиб кулияси (факультети) дунёдаги энг кичик кутубхонага эга эди. Унда биргина китоб бор эди. Бу улуг мусулмон одам ёзган китоб эди. Бу асар улкан қийматга эга эди. Бунинг далили шулки, масиҳийларнинг машҳур подшоҳи Луяс XI ундан нусха қўчириб олиш учун вақтингчалик олиб туриш эвазига ўн икки марк кумуш ва юз таллер соғ олтин берган эди. У бу китобдан унинг табиблари уни ва оила аъзоларини даволашда фойдаланишларини хоҳлаб, шундай қилган эди.

Бу улуг асар игриқлар давридан тортиб, то 925 йилгача бўлган барча тиббий маърифатларни ўз ичига олган эди. У ўша тарихдан бошлаб, яна тўрт юз йил давомида Оврўпада асосий китоблардан бири бўлиб қолди.

Парижликлар бу улуг хазинанинг, унинг соҳибининг ва умуман, тибнинг ўзларидаги ҳаққи ва ҳуқуқини эътироф қилдилар. Ўзларининг тиб мактабларида унга ҳайкал ўрнатдилар. Бошқа бир катта хонага унинг суратини осдилар. Бу одам Розий эди".

Ҳалқ табобати фаолияти тартибга солинишининг тарихий ривожланиш масалаларига нигоҳ ташлайдиган бўлсак, милодий 931 санада халифа Муқтадир табибларни имтиҳондан ўтказиш учун фармон чиқарди. Бу фармоннинг ижросини таъминлашни Синан ибн Собитга юклиди. Ўшанда машҳур табиблардан ва подшоҳ саройидагилардан ташқари, 860 тадан ортиқ табиб Бағдоднинг ўзида имтиҳондан ўтказилди ва табиблик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини, яъни шаҳодатномани олди. Ўша вақтда аҳоли сони ҳозиргига қараганда жуда ҳам оз бўлганлиги эътиборга олинса, шарқда тиб қай даражада шаклланганлигини билиб олиш мушқул эмас. Табибларни имтиҳондан ўтказишнинг илмий услублари ишлаб чиқилди. Тибнинг ҳар бир соҳаси бўйича қайси фанлардан имтиҳон топшириш лозимлиги белгиланди. Имтиҳондан ўтувчига бериладиган саволлар ва уларни тузиш йўллари ҳам белгиланди. Бу масалалар ёритилган адабиётларни ўқиганимизда ўша пайтдаги илмий ҳаракатнинг ривожига қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Имтиҳондан муваффақиятли ўтган кишиларга шаҳодатнома бериш йўлга қўйилди. Ўша пайтда табиблик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи шаҳодатномалардан бирининг матнини келтиришни жоиз деб ҳисоблаймиз: "Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм Бориъул Азиймнинг изни ила ....(палончига), ҳақиқий имлга эга бўлгани учун, бу ишни яхши бажариш қобилияти бўлгани учун жарроҳлик касбини қилишга рухсат берамиз. Ана шуларга биноан, у жароҳатларни тузалгунча муолажа қилиши, томирларни очиши, бавосирларни олиб ташланиши, тишларни олиши, жароҳатларни тикиши ва болаларни хатна қилиши мумкин. У доимо ўз раислари ила маслаҳатлашиб турмоғи лозим. Ишончли устозларидан насиҳат олиб, уларнинг тажрибасидан фойдаланиши зарур".

Ўз даврининг ҳуқуқий ҳужжати бўлган ушбу шаҳодатномадан кўриниб турибдики, ўғил болаларни хатна қилиш ҳам қўлида табиблик билан шугулланишга рухсатномаси бўлган жарроҳнинг иши бўлган. Кези келганда, бир фикрни келтириб ўтишни лозим топдик. Ҳозиргача ҳам мамлакатимизда, деярли, ўғил болаларни хатна қилиш халқ усталари ва халқ табибларининг зиммасида турибди. Тўгри бу муносабатлар ҳали-ҳануз миллий қадриятларимиз ва ахлоқ қоидалари билан, табиий қонун-қоидалар асосида ривожланиб, тартибга солиниб келинмоқда. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" эканлиги мустаҳкамланган. Малакали тиббий хизмат эса давлат назоратида бўлишини тақозо қиласди.

Шунингдек, ҳар қандай ҳуқуқий давлатда энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатлар қонунлар орқали тартибга солинади. Бу қоида Ўзбекистон Республикасининг "Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ти Қонунининг 8-моддасида кўйидаги тарзда мустаҳкамланган. "Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинади". Ана шундай энг муҳим ва устувор масалалардан бири фуқароларнинг саломатлигини асраш билан боғлиқ муносабатлардир. Фуқароларнинг саломатлигини асраш масаласи давлат олдида турган энг муҳим ижтимоий муносабатлардан биридир. Шундай экан, халқ табобати усулларидан ва дори воситаларидан мамлакатимиз аҳолиси истеъмолчи сифатида фойдаланаётган экан, бу муносабатларни қонун доирасида тартибга солиш Конституциямизнинг талаби эканлигини ва бу конституциявий норма ижросини "Халқ табобати тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш ва амалиётга жорий этиш орқали таъминлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Тўгри, бугунги кунда давлат соғлиқни сақлаш тизими ўзига хос хусусиятлар билан жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Бунинг учун зарурий ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий шарт-шароитларни яратиб беришда маъмурий ҳуқуқий тартибга солиш усулларидан унумли фойдаланилади. Давлат конституциявий вазифаларни амалга ошириш мақсадида, мамлакатимизда соғлиқни сақлашнинг миллий тизими шакллантирилди. Малакали тиббий ёрдам кўрсатиши фаолиятини давлат томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарлигидаги органлар тизими олиб боради. Бироқ, бу тизимда ҳали-ҳануз халқ табобати фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмас.

Бугунги кунда дунёning ривожланган мамлакатлари соғлиқни сақлаш тизимида халқ табобати усуллари ва дори воситаларидан кенг фойдаланиб келинаётган бир пайтда, масалан, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея, Германия, Америка Кўшма Штатлари, Хиндистон, ва бошқа давлатлар. Бизда бу масалалар давлат назоратидан четда қолмоқда ва буни бир қатор ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин.

"Инсониятнинг кўп минг йиллик тажрибаси шундан далолат беради, дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгаламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади"-деган эди Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов.

Собиқ Шўролар даврида ота-боболардан мерос бўлиб келаётган кўплаб қадриятлар қатори халқ табобати ҳам қувфинга, қатагонга учраган эди. Табиблик фаолияти "Табибизм" деб қораланиб, унга қарши курашиш мақсадида Большевиклар ҳуқумати табиблик фаолиятини чеклаш тўғрисида расман қарор ҳам қабул қилган эди<sup>1</sup>.

1924 йилдан давлат соғлиқни сақлаш тизимида фақат олий ва ўрта тиббий маълумотга эга бўлганларгина ишланиши мумкин деб эълон қилинди. Натижада минг йиллар давомида шаклланган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъаналар асосида фаолият юритиб келаётган, расмий тиббий маълумот тўғрисида дипломга эга бўлмаган халқ табобати вакиллари фаолиятига чек қўйилди ва хусусий амалиёт ёки қишлоқ жойларда яширин фаолият юритишига мажбур этилди.

1928 йилга келиб совет врачлари сони З баробарга кўпайди. *Шу пайтдан бошлиб мижсозга касалликнинг бир бутун организм, шахс сифатида қарашдан – даволашнинг умумий класификациясига ва стандарт схемасига ўтиш амалга оширилди*. Бу пайтга келиб табиблик фаолияти ҳукуматининг маҳфий қарори билан қатъий таъқиқланди ва табиблар таъқибга олинди. Расмий тиббиёт ва норасмий тиббиёт тушунчалари пайдо бўлди. Шу пайтдан бошлиб, асрлар давомида халқнинг соғлигини асраш билан шугулланиб келган табибларга "норасмий" деган тамга босилди ва қонун билан таъқиб қилина бошланди. Бироқ, жамиятда тибни «расмий ва норасмий»га ажратиш ноўриндир. Мақсад бир, аҳолининг соғлигини асраш. Аҳоли соғлигини асраш эса ижтимоий масаладир. Бу муаммога биргаликда, ҳамжиҳатликда ечим топиш мумкинди. Шундай экан, тиббиётни расмий ва норасмийга эмас, бу соҳани ривожланиши нуқтаи назаридан замонавий тиббиёт ва замонавий табобатга ажратиш мумкинди.

Асрлар давомида тажриба йўли билан жамланган даволаш усуллари бугунги илмий медицинанинг шаклланишида муҳим аҳамият касб этгани, Буқрот, Ибн Сино, Жолинус, Ар-Розий каби табибларнинг ишлари ва тоялари бугунги илмий медицина асосларини ташкил қилгани том маънодаги ҳақиқат, холбуки, замонавий тиббиёт халқ табобатидан бинога келган зурриёт эди.

Истиқолол туфайли барча қайта тикланган ва тикланяётган қадриятлар қатори ўзбек халқ табобатининг асрий тажриба ва анъаналарини ўрганиш, уларни бугунги ҳаётимизга татбиқ этишга кенг йўл очилишини халқимиз интизорлик билан кутмоқда.

<sup>1</sup> "...о запрещении врачевания табибов и конфискации их лечебных имуществ" Постановление ЦИК Советов и ЦИК Уз.ССР № 99 от 31-го октября 1926 г.

## ЎФИЛ ФАРЗАНД КЕРАКМИ?

Ҳадисларнинг бирида шундай лутф қилинади: "Кимки уч қиз фарзанд кўрса, уларни вояга етказиб, турмушга узатиб, уйлик-жойлик қилса ва яна яхшилик қилишни давом эттираверса, ул банда жаннатийдир". Бироқ шунга қарамай аксар оиласалар ўғил фарзанд кўришни истайдилар, ўғилни наслонинг давомчиси, оиласанинг чарогбони деб биладилар. Аслида фарзанднинг ўғил ёки қиз бўлиши - аввало Оллоҳдан. Лекин "Бандаси тадбир қилар, Оллоҳ тақдир қилар" деган гап ҳам бор халқ орасида. Қуидда халқ табобатида бу борада кўлланилган бир қанча тадбирларни эътиборингизга ҳавола этиш баробарида, "Менга қиз (ёки ўғил) керак эмас", дейиш куфрони неъмат эканлигини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз.

Фарзанднинг ўғил ёки қиз туғилиши яқинлашиш вақтига жуда ҳам вобаста.

Табибларимиз аёлларга ҳайздан пок бўлгандан сўнг уч қунгача заъфаронни мол ёғи билан қўшиб ейишни тавсия қилганлар. Ҳар куни бир марта эрекак бузоқ туқсан сигирнинг сутидан пиширилган ширгурууч тановул қилиш мақсадга мувофиқ деб билинади. Бундан ташқари, аёл ётадиган хонада анвойи тулларнинг бўлиши айни муддао экан.

Ўғил фарзанд кўриш истагида бўлган эр-хотинлар энг аввало таомга ниҳоятда жиддий муносабатда бўлишлари керак. Табиийки, эр кишининг уруги аёл уруги устидан голиблик қилгандагина ўғил туғилади. Шул сабаб, эркакнинг таоми иссиқ мизожга эга бўлган сифатли гизолардан иборат бўлмоғи лозим.

Табибларимиз эркакларнинг овқатланиши хусусида қуидагича маслаҳат берадилар: ҳар куни наҳорда сабзи суви ва мўмиё аралашмасидан ичиб туриш (200 мл. сабзи сувига 50 мл. тоза мўмиёнинг 2 фоизли эритмасидан аралаштирилади);

- қўзи гўшидан чўгда пиширилган, сели оқиб турган кабобни пиёз билан ейиш (зинҳор пиёзга сирка сепилмасин!);

- мақсадга эришилмагунча хамир овқатларни истеъмол қилмаслик (дагал бугдой унидан тандирда ёпилган нон бундан мустасно);

- қовурилган балиқни иссиқ ҳолатда ейиш; нўхот, ёш семиз қўй гўшти ва саримсоқ солиб пиширилган палов ейиш;

- тухум қовуриб ейиш (тухумни қовуриш тартиби; тўрт дона уйда боқилган товуқ тухумини косяга чақиб, майдалаб тўғралган жусай, қора мурч ва занжабил солиб, яхшилаб аралаштиргандан кейин думба ёғда қовурасиз. Туз сепмайсиз);

- имкон даражасида тузсиз овқат ейишга ҳаракат қилиш;

- бедана шўрва тановул қилиш (шўрвага бошқа зироатлар қатори албатта рум арпабодиёни ва қора мурч солинади);

- чой ўрнида янтоқ, райҳон ва қалампирмунчоқ аралашмаси дамлаб ичиш;

- ҳар куни бир сиқим қора кишмишни бир сиқим бодом ва тўртта ёнгоқ билан қўшиб ейиш;

- ётиш олдидан бир чой қошиқ асални бир пиёла қайнатиб совутилган сув билан ичиш;

- ҳар куни пиёз сувида қиёмга келтирилган асалдан бир чой қошиқ ялаш;

Маъжунни тайёрлаш усули: икки бosh оқ пиёзнинг сувини бир идишга солиб, қиздирилган күм устида қайнатмасдан тоблайсиз ва аста-секинлик билан, лекин тўхтовсиз асал солиб аралаштириб борасиз.

Жуда қуюқ ҳолатга келгандан кейин, совуқ ерга олиб қўясиз.

Боланинг ўғил ёки қизлик белгиси. Агар ҳомиладор аёлнинг томирлари қизил бўлса, ўғил туғилади. Агар кўк бўлса, қиз туғилади.

Жолинус ҳаким айтади: "Балогатта етганда ўнг тухум катта бўлса, туғиладиган бола ўғил бўлади. Агар чап тухум катта бўлса, қиз туғилади. Шайхлар ва олимларнинг боласи кўпинча қиз бўлади.

Агар аёлларда ҳайз тез келса, табиати иссиқ бўлади ва кўпинча болалари ўғил бўлади.

Мұҳаммад ибн Закариё айтади: "Агар уруг суюқ бўлса, уруг куч олиши учун қуруқ-иссиқ ашёлардан истеъмол қилиш керак. Сўнг яқинлик қилишга киришилади".

Ойна офтоб тигида қиздирилади. Унга ҳомиладор аёл сутидан томизилади. Сутлар марвариддек туриб қолса ўғил, агар ёйилиб кетса қиз бўлади.

\* \* \*

Хозирги кунда Оврупо мамлакатлари тиббиёти дунёда энг илгор тиббиёт саналади. Ана шу тиббиёт вакиллари узоқ йиллардан бўён фарзанднинг ўғил ёки қиз туғилишини режалаштириш устида тадқиқотлар олиб борадилар. Ваҳоланки, минг йиллар олдин Шарқ табиблари бу "муаммо"ни ҳал қилган эдилар.

Фарзанднинг ўғил туғилишида ижобий таъсир кўрсатадиган бир неча маъжун Ўзбекистон халқ табобати академиясининг табиблари, олимлари томонидан ҳам тайёрланган ва муваффақият билан кўлланилмоқда.

## КҮЗ МАЛХАМЛАРИ

1. Тез-тез маст бўлиш, қаттиқ тўйиб овқат ейиш, жинсий алоқага хуруж қўйиш, кўп ёки кам ухлаш кўзга зиён беради. Аччиқ ва шўр нарсалар буг пайдо қилиб, мияга ва кўзга зиён келтиради. Шунингдек, кўп қон олдириш, қаттиқ йиглаш, кўп ҳаммомга тушиш ҳам салбий оқибатларга олиб келади. Кўз оғриганда, яллигланганда аччиқ нарсалардан ўзни тийиш керак. Оқ нарсаларга қарамаслик, уйни сал қоронги сақлаш, доимо ични юмшатиб тутиш, кўз оғриги бошланганда кўзга қора латта босиш, согая бошлагандан кейин кўк латта босиш, ёстиқни баланд қилиш керак.

2. Шолғомни пишириб ёки хомлигича ейиш кўзга фойда қилади.

3. Кўпроқ турп ейиш лозим.

4. Аррабодиёндан бир қошиқни бир стакан иссиқ сувга солиб, дамлаб, совутиб ичиш ҳам кўзга фойдали.

5. Семизётни дамлама қилиб, овқат билан истеъмол қилиш фойдали.

6. Қалампир ейиш, мош истеъмол қилиш ҳам фойдали.

7. Зубтурум барги ва уругидан тайёрланган қайнатма ичиш, чойга заъфарон солиб ичиш фойдали, лекин кўп истеъмол қиласлик керак.

8. Ухлаш олдидан кўзга сурма суртиш, кўм-кўк сабзазорга тикилиш, покиза либос кийиш кўз нурини оширади.

9. Пиёзнинг сиқиб олинган суви кўзга сув тушганига (катарактага) фойда қилади.

10. Кўзнинг оқига қарши пиёз уругини асал билан кўйилади.

11. Тухумнинг оқи кўздаги оғриқни босади. Са-риги заъфарон ва қизил гул билан кўзнинг лўқиллашига жуда фойда қилади. Арпа уни билан кўшилиб қуюқ сурма қилинса, кўзга тушадиган назла-га тўсқинлиқ қилади.

12. Фундуқнинг суюқ суртмасини кўк кўзли боланинг боши тепасига суртилса, кўзининг кўкини кетказади.

13. Долчинни ейиш, сурма қилиш кўзга тушган пардага ва кўз қоронғилашишига фойда қилади.

14. Занжабилни сурма қилиш ва ичиш кўз хирагини кетказади.

15. Шабкўрликка қарши эчки жигарининг се-лини мурҷ билан кўшиб ёки ёлғиз ўзини ейиш, кўзга суртиш ва буғига кўзни тутиш керак.

16. Агар қалдиргочнинг боласи кўр бўлиб ту-филса, онаси унга зарчава ўтини олиб келиб бе-рар экан. Боласи бу ўтни егандан кейин қўрадиган бўлар экан. Бундан хulosса шуки, зарчава ўти кўзга фойдали. Зарчава ширасини чўғ устида ярми қол-гунча қайнатиб ишлатилса, кўзни ўткир қилади.

— Шивит суви ва ўзи кўзни равшан қилади.

## ГУЛҚАНД

Гулқанд халқ табобатида қирқдан зиёд касалликка тавсия қилинадиган энг қадимий дориларимиздан ҳисобланади.

Бухорода гулқанд ширин таом, хушхўр мураббо сифатида фойдаланилган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, XI-XII асрларда Бухорода гулқанд тайёрловчи маҳсус ширапазлар сулоласи мавжуд бўлган. Улар гулқанддан бошқа таом тайёрламаганлар. Сифатли гулқанд тайёрлаш учун нақ олти ой вақт сарфланган. Атиргулни баҳорда парваришилаш бошланганидан тортиб, гулнинг етилиш пайтигача бўлган даврда ширапазлар боғбонлик қилганлар. Улар гулнинг сифатли бўлиши учун гул-бутгаларни маҳсус озиқлантириб, гул япроги пишишини кузатиб борганлар. Пишган гул япроги тонгда, қуёш чиқмасдан балогатга етмаган қиз болалар томонидан йигиштириб олинган. Гул япроги сомон бўйра устида маълум муддат сақлангандан кейин, мураббо – гулқанд тайёрлаш бошланган.

Гулқанд тайёрлаш бир кеча-кундуз, нақ 24 соат давом этган. Гул япроқни тайёрлаш, қиём тайёрлаш учун лозим бўлган шакар, асал, сарқанд ва бошқа ашёларни бош ширапаз ўзи тайёрлаган.

Ўчоққа олов ёқувчи маҳсус «оташчи»лар бўлган. Улардан бошқа одам ўчоққа яқинлаштирилмаган. Чунки олов ёқишининг ҳам ўз сиру асрори бўлган. Ўтин чўлда ўғсан кўп йиллик қаттиқ дарахтлардан «оташчи»ларнинг ўзлари томонидан тайёрланган. Ердан ковланган ўчоққа мис қозон ўрнатилган. Гулқанд фақат мис қозонда тайёрланган.

Гулқанд тайёрлаш жуда катта маҳоратни талаб қилган.

Авлоддан-авлодга ўтиб келган гулқанд тайёрлаш сирларидан боҳабар бўлган ширапазлар сулоласининг энг кенжаси уста Умаржон 1997 йил 97 ёшда Бухорода дорулбақоға риҳлат айладилар. У кишининг ота-боболари ширапаз ўтишган. Оталари уста Мўминжон амир саройида бош ширапаз бўлганлар. Уста Умаржон охирги йилларда ширапазлик қилмай қўйганлар. У киши менга «атиргул япроги сифатсиз, ерга селитра солишибади, гулқанд мен айтгандек бўлмайди» деб узрларини билдирганлар.

Халқ табобатида атиргул мураббоси – гулқанд, шамоллаш, зуком, назла, ўпка сили, «суръати инзол», буйрак, жигар, талоқ ҳасталиклирида, камқувватлик, бош оғриги, томоқ оғриги, истисқода, ҳомиланинг яхши ривожланиши ва она сутининг сифатли бўлишида фойдаланилади.

Хитойда халқ табобати дорихоналарида шамоллаб, тумов бўлиб қолган беморлар учун биттаю битта ягона дори – гулқанддир.

Гулқанд тайёрлаш ва ундан табобатда кенг фойдаланмоқ лозим. Чунки биргина совуқ тегиши, шамоллашда ишлатида-диган сунъий ҳаб дориларнинг ўзи 20 хилдан зиёд. Уларнинг инсонга бўлган зарарли таъсирини атрофлича таҳлил қилиб, табиий гулқанднинг қанчалик безарар, шифобахш дори экан-лигига яна бир бор иқрор бўласиз.

*Беҳзод Ҳамро Муҳаммадзода*

## ДАВОЛАШ ТЎГРИСИДА УМУМИЙ СЎЗ

Биз айтамизки, даволаш иши уч нарса билан тугал бўлади. **Биринчиси**, тадбир (режим) ва озиқлантириш. **Иккинчиси**, дориларни истеъмол қилиши. **Учинчиси**, кўл билан бажариладиган ишлар. Тадбир сўзидан одатда бор бўлган саноқли омилларни тартибга солишини тушунамиз; овқат ҳам шулар жумласидандир. Тадбир тўгрисидаги хукмлар кайфият жиҳатидан даволарнинг хукмларига муносибдир. Лекин тадбирнинг бир қисми бўлган овқатланишнинг миқдор жиҳатидан ўзига хос хукмлари ҳам бордир, овқат гоҳо ман қилинади, гоҳо (миқдорини) ўртача қилинади ва гоҳо кўпайтирилади.

Овқатни камайтиришга ва ман қилишга ўткир касалликларни даволаганимизда кўпроқ муҳтож бўлинади. Эски касалликларда ҳам гоҳо овқатни камайтирамиз, лекин бу — ўткир касалликлардаги камайтиришимизга нисбатан камроқдир. Чунки эски касалликларда биз кўпроқ қувватга эътибор берамиз. Биз биламизки, эски касалликларнинг бухрони узоқ ва уларнинг (тугалланиши) ҳам узоқдир. Агар қуввати сақланмаса, бухрон вақтигача унинг тургунлиги кифоя қилмайди ва узоқ муддатда етиладиган нарсанни етилтиришга етишмайди.

Овқатлар озиқли бўлиши жиҳатидан яна икки хусусиятга эга. У икки хусусият: 1) ўзлашишнинг тезлиги, масалан, шароб каби ва секин ўзлашиш, масалан, қовурилган гўшт ва қовурилган бошқа овқатлар каби; 2) кам оқувчан қуюқ қон пайдо бўлиши. Масалан, бу чўчقا ва бузоқ гўштидан тайёрланган овқатдан; ёки тез таралувчи суюқ қоннинг пайдо бўлиши. Бу эса шароб ва анжир каби овқатдан вужудга келади.

(Касалдаги) ҳаётий қувватнинг камайишининг олдини олмоқчи бўлганимизда ва вақт ёки (касалнинг) қуввати ҳазми суст овқатни сингдиришга етарли бўлмаганида тез сингувчи овқат беришга муҳтож бўламиз. Агар илгари секин ҳазм бўлувчи овқат берилган бўлса, кейинидан тез ҳазм бўлувчи овқат беришдан сақланмиз; бу вақтда овқатлар аралашиб, биз юқорида баён қилган ҳол келиб чиқишидан қўрқамиз.

**Дорилар билан даволашнинг учта қонуни бор.** **Биринчиси**, дориларни кайфиятига қараб, яъни иссиқлик ё совуқлик, хўллик ё қуруқлигига қараб танлаш қонуни. **Иккинчиси**, дориларнинг миқдорини сайлаш қонуни; бу иккинчи қонун дориларнинг оғирлигини ўтчаш қонунига ва (дорилар) кайфиятини ўтчаш, яъни иссиқлик, совуқлик ва бошқаларнинг даражасини (аниқлаш) қонунига бўлинади. **Учинчиси**, дориларни (истеъмол қилиш) вақтини аниқлаш қонуни.

Дориларни умуман кайфиятига қараб сайлаш қонунига келсак, касалликнинг турини аниқлаш бу ишда тўғри йўлни кўрсатади, чунки касалликнинг кайфияти билинганда кайфиятда унга тескари бўлган дорини сайлаш зарур бўлади. Чунки касаллик унга

зид нарса билан даволанади, соғлиқ эса ўзига мос нарса билан сақланади.

**(Аъзонинг) турган еридан фойдаланиб, уч нарсага аҳамият берилади: биринчидан**, аъзонинг (дори ишлатиладиган ердан) узоқ ва яқинлигига. Агар меъда каби яқин бўлса, мўътадил дорилар озигина фурсатда унга етади ва ўз қувватини сақлаган ҳолда у ерда ўз ишини қиласди. Агар аъзо ўлка каби узоқ бўлса, мўътадил дориларнинг қуввати у аъзога етишдан бурун бузилиб, (дори) қувватини кўпайтиришга муҳтож бўлиниади. Яқин аъзога борадиган дорининг қуввати ўша аъзодаги касалликка қарши турарли миқдорда бўлиши зарурдир. Агар аъзо билан дори ўртасида узоқлик бўлиб, касалликка таъсир қилиш учун дорининг ниҳоят қувватли бўлиши зарур бўлса, бу вақтда дори қувватининг керагидан кўпроқ бўлишига муҳтож бўлинади, масалан, ирқуннасо ва бошқа касалликларда қўйиб бойланадиган дорилар.

**Иккинчидан**, дориларни аъзога тез етказиш учун унга нима қўшмоқ қераклигини аниқланади, масалан, сийдик аъзосининг дориларига сийдирувчи нарсаларни, юрак дориларига заъфаронни қўшилади.

**Учинчидан**, дорининг касал аъзога қай томондан етишишини билинади, масалан, яранинг куйи ичакларда эканини билсак, дорини хуқна билан етказамиз. Ёки юқори ичакларда эканини тахмин қилсак, ичириш билан етказамиз.

**Аъзонинг қувватига яраша (дори бериш) уч йўл билан бўлади.** **Биринчи йўл**, аъзонинг бошқарувчи ва бошлангич эканлигини риоя қилиш, чунки бошқарувчи аъзони хатар остида қолдирмаслик учун мумкин қадар кучли дориларни ишлатмаймиз, чунки у вақтда зарарни бутун гавдага умумлаштирган бўламиз. Шунинг учун миядан ва жигардан олиб ташлашини керак бўлган нарсани у иккисидан бир дафъада олиб ташламаймиз ва албатта, иккаласини қаттиқ совитиб ҳам қўймаймиз. Жигарга моддани тарқатувчи дориларни боғлаб ишлатмоқчи бўлсак, у дориларга жигар қувватини сақлаш учун буруштирувчи хушбўй нарсани қўшамиз. Шунга ўхшаш ичирадиган нарсамизни ҳам шундай қиламиз. (Бундай қоида) қўлланиладиган аъзоларнинг муҳимлари (аввало) юрак, кейин мия, кейин жигардир.

**Иккинчи йўл**, аъзоларнинг ҳамкорлигига риоя қилиш, гарчи у меъда ва ўлка каби бошқарувчи бўлмаса ҳам. Шунинг учун иситмаларда меъда кучсиз бўлса, жуда совуқ сувни ичирмаймиз. Билгилки, сўзнинг хуносаси бошқарувчи аъзога ва уларга ёндош аъзога фарқат бўшаштирувчи нарсаларни ишлатиш жуда хатарлидир.

**Учинчи йўл**, сезгининг ўткир ва ўтмаслигига риоя қилиши. Сезгиси ўткир ва асабларга бой бўлган аъзоларни сутли ўллар ва бошқа шунинг каби ёмон кайфиятли, ачитувчи, оғриқ берувчи дорилар истеъмолидан, албатта, сақланмоқ зарур.

Истеъмолидан сақланадиган дорилар уч синфдир: эритиб тарқатувчи, қуввати билан (аъзони) совутувчи зангорқалай уласи, куйдирилган мис каби қарама-қарши кайфиятли дорилардир. Аъзонинг табиатига қараб дори танлашнинг тағсили ана шудир.

Яна айтамиз, (дориларнинг) керагини ишлатиш ёки уни енгиллатиш кечиктирилганда касаллик хатарли бўлса ва қувват тушиб кетадиган бўлса, аввалданоқ кучли илож ишлатилади. Агар (касалликлар) хатарсиз бўлса-ю, енгил (тадбир) кифоя қилмаса, аста-секин кучлисини ишлатишга ўтилади.

Тўгри (тадбирни) ишлатмаслиқдан сақлан, чунки унинг таъсири кечикади. Хато тадбир устида туриб олишдан ҳам сақлан! Чунки бунинг зарарига тадбир қилиб бўлмайди. Шу билан бирга биргина дорини ишлатаверишинг зарур эмас, балки дориларни алмаштириб тур! Чунки бир хил дорига ўрганганд (касаллик) у доридан таъсиранмайди. Ҳар гавда, балки ҳар аъзо, балки бир гавда ва бир аъзо маълум бир вақтда бирор доридан таъсиранади, бошқа вақтда таъсиранмайди.

Касаллик оғриқ билан ё оғриқ каби нарса билан, ёки зарба ва йиқилиш каби оғриқ билан алоқадор (ҳодиса) билан қўшилса, оғриқни тўхтатиш билан иш бошла! Агар оғриқни сустлантиришга муҳтоҷ бўлсанг, кўкнор қаби нарсани (кўп) истеъмол қилиришга ўтма, чунки у оғриқни сусайтириш билан бирга одатланиб ейилдиган бўлиб қолади.

Билгинки, нафсоний ва ҳаётий қувватларни кучайтирувчи нарсалардан ёрдам олиш таъсири ва яхши даволардандир; масалан, хурсандлик, яхши кўрган нарсани учратиш, хушчақчақ кишининг сұхбатида бўлиш. Баъзан мардонавор ва салобати босадиган кишилар сұхбатида бўлиш фойда қилиб, касални бальзи зарар қиласидиган нарсалардан тияди.

Бир шаҳардан иккинчи шаҳарга, бир ҳаводан иккинчи ҳавога, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчиш ҳам ўша турдаги даволарга яқин тадбирлардандир. Касалга аъзосининг тузалишига сабаб бўладиган ва уни ўз табиий ҳолатига қайтарадиган ҳолатга ўтиш ва шунга мос ҳаракатлар қилиш таклиф этилади. Масалан, филай болага равшан ва ярқираган нарсага қаттиқ тикилиб қараш буорилади. Юз фалажига учраган кишига хитой ойнасига қараш таклиф қилинади, чунки бу таклифлар қийналиш билан бўлса ҳам юзни ва икки кўзни тўғрилашга олиб келади; баъзан шундай йўл билан касал тузалади.

Куйидагилар сен эсда тутишинг лозим бўлган қоидалар жумласига киради: кучли фаслларда кучли даволаш усусларини мумкин қадар кўлламаслик керак; масалан, ёз ва қиши фаслларида кучли сурги қилиш, доголаш, ярани ёриш ва кустириш (каби чораларни кўлламаслик керак).

**Мизож бузилиши касалликларига қилинадиган даволар ҳақида** Бузук мизож модда (ёмон хилт)сиз бўлса, фақат уни ўзгаришишга ҳаракат қиласиди. Агар моддали бўлса, уни чиқариб ташлаймиз. Баъзан агар илгари ўрнашиб олган бузук мизож бўштишдан кейин қолмаса, шу бўштишнинг ўзи бизга кифоя қиласиди. Агар кейин

(ҳам) қолса, бўштишнинг ўзи кифоя қилмайди, балки бўштишдан қутулиб мизожни ўзгаришиш лозим бўлади. Яна айтамиз: бузук мизожнинг давоси уч турли бўлади. Биринчидан, бузук мизож мустаҳкам (ўрнашган) бўлиб, унинг иложи мутлақо тескариси билан бўлади, бу мутлақ даволаш дейилади. Иккинчидан, бузук мизож пайдо бўлиш чегарасида турган бўлади, уни тузатиш сабабини тўхтатиб туриб, олдини олиш орқали даволаш билан бўлади. Учинчидан, бузук мизож келгусида пайдо бўладиган бўлади. Бунда фақат сабабини қайтаришга муҳтоҷ бўлинади, ана шуни (касалликнинг) олдини олиш (профилактика) деб аталади.

Касалликлардан бирида сенга мушкуллик туғи-либ, сабаби иссиқлик ва совуқлик экани ноаниқ бўлса ва сен уни текшириб кўрмоқчи бўлсанг, ортиқча зўр даражали нарса билан тажриба қилма; шунингдек, тажрибанг билан пайдо бўладиган қўшимча (аразий) ҳодисалар сени алдамасин!

Билгинки, мизожи совутиш билан уни иссиқ қилишнинг муддати баробар, лекин совутишда хатар кўпроқ, чунки иссиқлик (инсон) табиатига дўстдир. Мизожи ҳўл ва қуруқ қилишдаги хатар баробар бўлиб, лекин ҳўллаш муддати узунроқдир.

Ҳўллик ва қуруқликнинг ҳар бири сабабларини кучайтириш билан сақланади ва қарама-қарши сабабларини кучайтириш билан ўзгаришилди.

Мизож иссиқлигининг ошиб кетганига тиқилмана очиш билан муолажа қилувчи (табиб) ўтакетган совутишдан сақланиши керак, токи тиқилган нарсанинг қаттиқлиги кўпайиб кетмасинки, бунинг натижасида иссиқ бузук мизож яна кўпаяди. Балки юмшоқ тадбир қилиш керак: аввало арпа суви ва сачратки суви каби тозаловчи (жоли) ва совутишни нарсалар билан муолажа қиласиди. Агар бу нарсалар кифоя қиласа, жуда яхши; бунга қаноат қилмаса, мўътадил нарса билан муолажа қиласиди, бунга ҳам қаноат қилмаса, енгил қиздирувчи нарса билан муолажа қиласиди, бундан кўркмаслиги керак, чунки бунинг тиқилмаларни очиб, мизожни совутишдаги фойдаси бостирилиши осон иситишидаги заардан кўпроқдир. Ҳароратни ортиқ даражада сўндирилиши ўтқир хилтларни етилишишга қаршилик қиласиди.

Совуқ мизож мустаҳкам бўлиб қолса, уни иссиқка айлантириш қийиндек кўринади. Бошланнишида эса уни иссиқка айлантириш жуда осон. Хулоса, бошлангич ҳолдаги совуқликни иссиқ қилиш – бошлангич ҳолдаги иссиқликни совуқ қилишдан осонроқдир. Лекин охирiga етган иссиқликни совитиш қийин бўлса ҳам, охирiga етган совуқликни иситишидан осонроқ. Чунки ошиб кетган совуқлик табиатнинг ўлимидир ёки уни ўлимга олиб келувчисидир.

Билгинки, қари киши (нинг мизожи) совитиш ва ҳўллашга муҳтоҷ бўлса, уни мўътадил даражага қайтариш кифоя қилмайди, балки уни илгари ўзида бўлган совуқ, ҳўл мизожга ўтказиш керак. Чунки бу мизож унда кейин пайдо бўлган (яъни аразий) бўлса ҳам, табиий каби бўлиб қолган.

## ТАШРИХ ВА КАСАЛЛИКЛАР НОМЛАНИШИ «Мафотиҳұ-л-улум»дан

**Шаройин** – бу урувчи қон томирлар – (arterиялар); бирлиги-шарён – улар юракдан бошланади ва улар орқали ҳақиқий, табиий ҳарорат тарқалади, уларда маҳқа оқади, у эса юрак қонидир. Ҳаракатсиз (яни сокин) томирларга келсак, улар жигардан бошланади ва уларда жигар қони оқади.

Артериялар қаторига қуидагилар киради:

**Абхарони** – (бу икки артерия) юракдан чиқиб келади, сүнгра бошқа артерияларга бўлинib кетади.

Маълум ҳаракатсиз (вена) қон томирларига кирувчилар:

**Бослиқ** – У билак (сугида жойлашиб) ички томонидан қўлтиқ остига қараб кетган.

**Қифол** – У ҳам шунингдек, билак (сугининг) ташқи томонида жойлашган.

**Акхал** – У бошлиқ ва қифол орасида жойлашган. Акхалу арабча сўз бўлиб, маъноси – қорак ўз демакдир.

**Қарниййа** – шоҳсимон – қаттиқлиги жиҳатидан шоҳга ўхшайди.

**Мұттахийм** – бу кўз оқининг пардаси.

Қасаба ар-рия – ҳалқумдаги (ўпка пайчаси), у нафас йўли бўлиб, фақат ўпка билан уланган, қизилўнгачнинг олд томонида жойлашган.

**Мариз** – қизилўнгач, бу таом ва ичимлик меъдага олиб борадиган йўл бўлиб, у (ўпка пайи)нинг орқа томонида жойлашган.

**Ханжара** – ҳиқилдок, бу аъзо бўйинда жағ остида бўртиб чиқиб туради ва у овоз учун қуродир.

**Маъида** – инсоннинг меъдаси, қўйлардаги қиртнинг худди ўзи.

**Баввооб** – («дарвазабон»), бу ичак меъда билан унинг пастки томонидан туташган (жой), овқат меъдага тушганда ва то ҳазм бўлгунча у ёниқ ҳолда бўлади, сүнгра Оллоҳ таоло иродаси билан очилади ва шунинг учун у дарвазабон дейилади.

**Исна ашарий** – ўн икки бармоқ (ичак), бу ичакнинг дарвазабон билан бирга узунлиги ўн икки бармоқقا (тенг).

**Миңа соим** – оч ичак, бу ичак ўн икки бармоқ ичакка туташган.

Ва (уни) «рўза тутувчи» (оч) дейилишига сабаб унда таом тўхтамаслигидир.

**Маробид** – бу таом ва озуқа учун меъдадан жигарга бўлган йўл.

**Кулюн** – бу қуланж (касаллиги) пайдо бўладиган ичаклир ва ундан (касаллик) номи келиб чиқсан.

**Азвар** – кўричак, бу ичак халта шаклига (эга). Унинг чиқадиган йўли бўлмагани учун «кўр» дейилади, у шунингдек «мимрага» ҳам дейилади.

**Миңа мустақим** – тўгри (алта) ичак, бу нажас (ахлат) чиқадиган жой; унинг охири оддий халқ тилида «сурм» дейилади.

**Хижоб** – кўкрак – кўрҳок пардаси, бу аъзо терига ўхшаш. У кўкрак сугидан бошланиб орқагача давом этади ва қорин бўшлигини (икки қисмга) бўлади: юқори қисмда ўпка ва юрак, пастиқисида эса бошқа ички (аъзолар) жойлашган.

**Масоми** – теридаги жуда майда тешикчалар, бу тешикчалар орқали тер чиқади; масомининг «самм» сўзидан бошқа бирлиги йўқ; унга ўхшаш сўзлар мазакир, маголин, маоли бўлиб, уларнинг айтиб ўтилган сўзлардан ясалган бирлиги йўқ.

**Мароқ** – бу қориннинг юмшоқ қисми. Бу сўз айтиб ўтилган кўпликтаги сўздан ясалган, унинг бирлиги йўқ.

**Касалликлар ҳақида.**

**Саъфа** – бу бошда ва юзда бўладиган қуруқ ва ёки суюқ йиринг оқиб турадиган нам ярали тошмалар.

**Хазоз ибриййа ва ҳибрыййа** – бошдаги қазғок, худди кепакка ўхшаш.

**Баҳақ** – (қора дод) бу теридаги оқлик (оқ дод) аммо мохов эмас, у шунингдек қора ҳам бўлиши мумкин.

**Шаро** – (эшик еми), бу терини дирҳамга ўхшаш қизил доғлар қопладиган касалликдир.

**Ҳасаф** – тер кўплигидан пайдо бўладиган тошмалар.

**Кубоҳ** – кал, кўтири, бу маълум бўлган (касаллик) да қуюқ шира тери юзасига чиқади ва уни қоплаб олади.

**Жузам** – мохов, бу касаллиқда аъзолар ирийди, буришади ва уларни тошмалар қоплайди, овоз бўғила бошлайди ва соchlар тўкилади.

**Плашира** – (говмичча), бу қовоқдаги узунчоқ шиши.

**Жасо** – (ёпишқоқлик) – бу (касал) вақтида одам ўйғонгандан сўнг кўзини очиши қийин бўлади.

Тишлардаги ҳафар – тишларга ташқи ва ички томондан ёпишган нарсалар.

**Сунап** – қўлтиқларда ва човдаги бадбўй ҳид.

**Узийут** – бу эркак кишидан жинсий алоқа қиласётган вақтда ахлат чиқиб кетиши.

**Хулуф** – бу эркак кишида, агар у оч бўлса, оғиз бўшлиғи (ҳидининг) ўзгариши.

**Қамират ал-айн** – қордан кўзнинг олиниши, бу қорга узоқ тикилишдан бўлади.

**Саҳж** – терининг пўст ташлаши (шўрлаши) ва шунга ўхшаш (ҳолатлар).

**Ханозир** – бу бўйин, қўлтиқ ва гавдадаги безга ўхшаш шиши.

**Саратон (рак)** – бу танадаги катта илдизли қаттиқ шиши бўлиб, унинг илдизини яшил томирлар (веналар) озиқлантиради.

**Салъа** – хавфсиз ёғ ўсмаси (ёғли шиши) – танадаги (ғўддалар) шишлар, агар уларни қимирлатса (ҳаракатлантирса), оғриқсиз қимирлайди ва улар нўхотдан тортиб кичикроқ қовунгача ҳажмда бўлади.

# ДАВОЛАРДАН ЧИҚҚАН САДОЛАР

«Маҳзан ул-адвия»дан

## 687. Ичак яраси

Аччиқ анор еса ҳар киши зиёд,  
Ичак ярасини қилади бунёд.  
Овқатнинг сўнгидан ейилса агар,  
Мияга буг чиқмас, буг бўлар барбод.

## 688. Зарари ва ислоҳи

Совуқ мизожлига бўлади зиён,  
Жигару боҳга ҳам зарари аён.  
Ислоҳига егин ширин анордан  
Ёки занжабилни қидир ўша он.

## 689. Кўз ва оғиз яраси

Анор суви кўзга суртилса ҳар дам,  
Кўзнинг иллатига бўлади малҳам.  
Оғизни у билан чайқалса агар,  
Ёмон яраларга беради барҳам.

## 690. Қўтириш ва қичима

Анорни бутунча қайнатсанг ҳар он,  
Эзилиб, етилиб пишгани замон,  
Сафровий қўтиру қичима бўлсанг,  
Уларга боғлагин, кетади равон.

**Қора андизнинг ҳосиятлари**  
(араб. росан, рус. девясил высокий)

## 691. Қора андизнинг мизожи

Андизким, захлаган ерлардир жойи,  
Далани яшнатиб турар чироий.  
Қуруқ-иссиқ бўлар мизожи унинг,  
Гиёҳлар ичиди дармонга бойи.

## 692. Шодлантириш

Қора андиз қилас одамни хандон,  
Юракни бақувват қилади ҳар он.  
Меъдага, ҳазмга, боҳга қувватдир,  
Қовуқقا баҳшида этади дармон.

## 693. Ҳам ва вахима

Ҳар кимда юз берса молиҳулиё,  
Вахима юз берса, ғаму қайғу ё.  
Меъда билан боғлиқ бўлса аламлар,  
Қора андиздан кут ёрдам бериё.

## 694. Жигар ва талоқ

Жигар ё талоқда бўлса тиқилма,  
Қора андиз очар, кўп фарёд қилма.  
Совуқдан жигаринг оғриса агар,  
Ундан яхшироқни даво деб билма.

## 695. Бўғин оғриқлари ва ниқрис

Қора андиз еллар бўлса тарқатар,  
Бўғин оғриқлари оҳиста битар.  
Бел оғриқ, ниқрису ирқ ун-насо ҳам  
Бошқа совуқ дардлар бирма-бир кетар.

## 696. Ўйқуда сийиб қўйиш

Сийдигинг томчилаб юрса ногаҳон,  
Қора андиз бўлар сен учун дармон.  
Сийиб қўйиш тунда одатинг бўлса,  
Қора андизни топ, тугайди армон.

## 697. Қийин нафас олиш

Бир дирам андизни солгин асалга,  
Ютиш учун бергин уни касалга.  
Қийин нафас олиш, йўтал, ҳарсиллаш  
Оҳиста йўқолар, солма пайсалга.

## 698. Зарари

Иссиқ мизожларга қилади зарап,  
Қиздириб, уларда бош оғриқ қўзгар.  
Ўнинг ортиқчаси боҳни кесади,  
Уругни куйдириб, қонни ҳам бузар.

## 699. Ислоҳи

Зарари юз берса сирка ич шу он,  
Нордон шарбатлар ҳам бўлади дармон.  
Ёки аччиқ анор сувини ичгин,  
Ўнинг зараридан бўларсан омон.

## 700. Ичиши миқдори ва бадали

Қора андиз топсанг, ичиши миқдори,  
Икки дирамгача табиб қарори.  
Бадалин қидирсанг ирисони топ,  
Ширин қустдан олгин ё баробари.

## 701. Суръати инзол

Дейдилар, уругин олсанг бир дона,  
Кўрқмай уни ютиб олсанг фарзона.  
Суръати инзолни тезда тўхтатар,  
Аёллар олдидаги бўлгунг мардона.

## 702. Тиши қурти

Буғига тишингни тутганинг замон  
Тишингда қурт бўлса, ўлади шу он.  
Асал билан қўшиб доғларга сурка,  
Юзга ҳам суркасанг, юз бўлар хандон.



## ТАЖРИБАДАН ЎТГАН МУОЛАЖАЛАР

*Халқ табобатида тажрибадан ўтган даволаи усуллари*

**Буйрак яллиги** (гломерулонефрит). Бу умумий бадан ёки буйрак қисмига совуқ ўтиш ёки бошқа иситмали касалликларнинг қонни юқимлантириши натижасида буйрак қоринчалари ва эгри найчалири яллигланиб, пешоб чиқариш фаолияти тўсқинликка учраб, баданда сувлик шиш юз берадиган касаллик бўлиб, ўткир ва сурункали икки хилга бўлинади. Ўткир буйрак яллиги жиддий бошлиниб, пешоб микдори озайиши, ранги тўқлашиб, юз, кўз ва қовоқлар шишиши, оғирлашганда оёқ ва умумий бадан шишиши, бел оғриши, қон босими кўтарилиши сингари аломатлар билан: сурункали ҳолатга ўзгарган бўлса, узоқ давом этаётган бел оғриги, бутун бадан шишифи, қон босими кўтарилиши, чап юрак қоринчаси зўрайиши, пешобда оқсил ва яширин қон бўлиши, оғирлашганда пешобдан заҳарланиш сингари аломатлар билан изоҳланади. **Тўлиқ асоратсиз даволанади.**

**Даволаш усули:**

**Ўткир буйрак яллигини даволаш.** 1. Бемор ётқизилиб ором олдирилади, совуқ тегишдан муҳофаза қилинади. Дастрлаб овқатда оқсил ва туз оз бўлиши талаб қилинади. Эрталаб-кечқурун арпа ошига сут қўшиб берилади. Гўшт ва ёғли овқатдан чеклаб, кепакли түзсиз нон берилади.

2. Қайси хилтдан келиб чикқан бўлса, шу хилтнинг мунзижи, мусҳиллари берилеб, танқия қилдирилади. Танқиядан кейин испагул луоби, беҳи уруги луоби, хаҳаш, чилонжийда, семизўт ширилари сингарилар талха арақиси билан ичирилади. Шарбати хаҳаш (229-нусха), шарбати бинафша (227-нусха)лар 30 мл дан берилади.

3. Беморда қабзият бўлса, кучсиз сургилар билан ичи юмшатилади. Сарпистон, гайлона, талха, бинафша, чилонжийда, таранжабинлардан бири ёки иккисини бирлаштириб бериш ёки ангуршифо солинган ҳалила қайнатмасини бериш орқали қабзият юмшатилади. Шунинг билан бир қаторда қалампирмунчоқ ёғи (292-нусха) ёки равғани қиротий (280-нусха) сингарилар бел қисмига сиртдан чапилиб, устидан иссиқ ўтказилади.

4. Бир ҳафтагача шиш қайтмаса, сиртидан зимоди испагул (314-нусха), зимоди шуса (318-нусха) сингари зимодларни чапиб, зигир, гулхайри уруги, шумшаларни ивитиб чиқарилган ширасини ичириш орқали модданинг пишиши илгари суриласиди.

5. Пешобдаги йирингни ва яширин қонни тугашиб учун бодринг, қовун, қовоқ уругларининг ширасига арпабодиён қайнатмаси ва озроқ қанд қўшиб ичирилади.

6. Бугдой кепаги, арпа ёрмаси, гулхайри уруги, ангуршифо, бобуна, қашқарбедалардан - 15 граммдан олиб, қайноқ сувга ивитиб, қайнатиб, иссиқ сув қуйилган ваннага bemорни ўтқизиб, қайнатма билан ювинтирилади.

7. Пешоб ҳайдаш, шиш қайтариш учун қовун уруги мағзи - 10 грамм, тўғри ва эгри бодринг уруги мағизлари, базарулбанж, карапша уруги, семизўт уруги, беҳи уруги, арпабодиён илдизи, талха уругидан - 5 граммдан олиб, қайноқ сувга 1 кеча ивитиб, қайнатиб, 3 маҳалдан ичирилади.

8. Арақи талха (268-нусха) 3 маҳал 150 мл дан ичирилади.

9. Буйракни қучайтириш учун маъжуни лубоби кабир (82-нусха), маъжуни мадатул ҳаёт (85-нусха), маъжуни жувориши бузурый (119-нусха)лар қоида бўйича истеъмол қилдирилади.

**Юқорида тавсия қилинган дори нусхалари таркиби**

### 82-нусха: *Маъжуни лубоби кабир*

**Таркиби:** писта мағзи, фундуқ мағзи, бодом мағзи, ҳаббит ул хузро мағзи, ёнгоқ мағзи, кедр ёнғоги (чилғўза) мағзи, ҳабби залам мағзи, моҳи рувиён, ҳовлинжон, шоқоқул, қизил баҳман, оқ баҳман, сарик тудари, қизил тудари, занжабил, кунжут муқашшари, долчин - 15 граммдан, сунбул, сульди кўфи, қалампирмунчоқ, кабоба, ҳабби қалқал уруги, сабзи уруги, шолғом уруги, турп уруги, пиёз уруги, беда уруги, ҳолион уруги, армудун уруги, дурунажи ақраб, зурумбод - 9 граммдан, жуюз, басбаса, давола, фул-фул - 6 граммдан, суълаб, янги кокос (норжил) ёнғоги, чумчуқ мияси, оқ кўкнори уруги - 30 граммдан, қуритилган мол закари, совринжон, бўзидон, жамбил, зальфарон, мастаки - 12 граммдан, уди хом - 8 грамм, олтин вараги - 30 дона, кумуш вараги - 50 дона, анбар - 4 грамм, ифор - 2 грамм, асал - 136 грамм, марварид, қаҳрабо, маржон, ақиқа яман, қизил ёкут - 16 граммдан.

**Тайёрланиши:** магизлардан бошқаси майин туйилади. Марварид, маржон, анбар, қаҳрабо, зальфарон, ақиқ, ёкут дорилар салоя қилиниб, асал билан аралаштириб, маъжуун қилинади. Табиати мўътадил.

**Тавсир:** буйракни қизитади, манийни зиёда қилади. Буйрак, мия, юрак хасталикларига, жинсий ожизликка, дилни равшан, хуш қилишга, семиртиришга, пайларни қотиришга, баданни қувватлашга, чиройни очишга ишлатилади.

**Миқдори:** 2 маҳал 5 граммдан.

**85-нусха: Мәжсүни мадатул ҳаёт**

**Таркиби:** фулфул, қора мурч, долчин, омилаи муқашшар, балила пўсти, шатранжи ҳиндий, юмалоқ зираванд, суълаб, чилғўза, бобуна илдизи, норжил, шаққоқул - 10 граммдан, бобуна уруги - 5 грамм, кишмиш - 30 грамм, асал - 2 ҳисса.

**Тайёрланиши:** маъжун, табиати ҳўл иссиқ.

**Таъсири:** бутун аъзоларни қувватлаш, ҳўлликни йўқотиш, оғриқ пасайтириш, манийни кўпайтиш хусусияти бор. Мия, фалаж, лақва касалликларига, ошқозон ичакларни қувватлаш, иштаҳа очиш, тил оғирлиги, бадандаги ҳўлликни чиқариш, пешоб томиб келишини йўқотиш, бел ва буйрак оғриги, мафосирни даволаш, жинсий қувватни кучлантириш, хушфеъл қилиш, чиройни очиш, оғиздаги ҳидларни йўқотиш, тишни мустаҳкамлаш, ошқозон ичакларни қувватлаш, елдан бўладиган қўланжни даволаш, пешоб йўлидаги тошли эритиш каби фойдага эга. Совуқ мизожли кишиларга берилади.

**Миқдори:** касалнинг ҳолига қараб, катталарга 2 маҳал 8 граммдан берилади.

**119-нусха: Маъжсүни жувориши бузурый**

**Таркиби:** чингсай уруги, жувана- 6 граммдан, мастаки, ховлинжон, гулдорчин, қалампирмунчиқ - 9 граммдан, оқ қичи - 60 грамм, убҳал - 15 грамм, асал - 2 ҳисса.

**Тайёрланиши:** маъжун.

**Таъсири:** ошқозонни қувватлаб, ҳазмни яхшиайди. Ошқозон ва ичаклардаги елларни ҳайдайди.

**Миқдори:** 9 грамм.

**227-нусха: Шарбати бинафша**

**Таркиби:** бинафша - 100 грамм, нилуфар, атир гул, талха уруги, шоҳтара, итузум, ҳамишабаҳор - 25 граммдан, говзабон, чилонжийда, сарпистон, беҳи уруги, қора суну уруги, қовоқ уруги магзи - 10 граммдан, таранжабин, гулқанд- 120 граммдан.

**Тайёрланиши:** гулқанд билан таранжабинни алоҳида идишга олиб, қолган дориларни бошқа идишга солиб ивтилиади. 2 соатдан сўнг устига 6 чини (коса) сув қуиб, ярми қолгунча қайнатиб, бинафшани солиб, бир ўрлатиб (қайнатиб) олиб, устига гулқанд билан таранжабин солинади. Табиати совуқ.

**Таъсири:** иситма, яллигланишни қайтаради, ҳожатни равон қиласи, пешоб ҳайдайди. Тумов (зуком, грипп), томоқ карнайи яллигини даволаш, ички ташқи яллигланишдан бўлган иситмани қайтариш, оғриқ пасайтириш, пешоб ҳайдаш ва мизожни меъёrlаштириш учун ишлатилади.

**Миқдори:** 3 маҳал 50-100 мл. дан катталарга беради.

**229-нусха: Шарбати хаҳхаш**

**Таркиби:** арпабодиён - 100 грамм занжабил - 50

грамм, сарпистон - 100 грамм, бихисус - 150 грамм, хаҳхаш (кўкнори) - 200 грамм, шакар - 3 кг.

**Тайёрланиши:** дориларни 1 сутка қайноқ сувга ивтиб қайнатиб, сузуб, сувига шакар солиб қиём қилинади. Табиати қуруқ совуқ.

**Таъсири:** тинчлантириш, нафас сиқилишини яхшилаш, балғам бўшатиш, иссикдан бўлган эскиянги зиққий нафас (бронхиал астма)га фойдаси катта. Ҳўл иссиқдан бўлган йўтал, бош оғриги, пешоб кўйиб кетиши ва балғамга ишлатилади.

**Миқдори:** 3 маҳал 50 граммдан.

**268-нусха: Арақи таҳх**

**Таркиби:** талҳа - 1 кг, сув - 6 кг.

**Тайёрланиши:** буги олинади. Табиати ҳўл-совуқ.

**Таъсири:** ҳароратни туширади, пешоб ҳайдайди. Иссиқликдан бўлган ҳар хил хасталикларга, буйрак, жигар касалликларига ишлатилади.

**Миқдори:** 3 маҳал 10-50 мл. дан

**292-нусха: Равғани қалампир**

**Таркиби:** қалампирмунчиқ - 280 грамм, туз - 24 грамм, сув - 1680 мл.

**Тайёрланиши:** ёғ тайёрланади. Табиати қуруқ иссиқ.

**Таъсири:** асабни қувватлайди, оғриқни пасайтиради, гўшт ундиради. Совуқликдан бўлган жигар, ошқозон, ичак, юрак, мия касаллиги, кўзни кўриш қуввати ожизлиги, оёқ оғриқлари (патаҳ) умуртқа чурраси, тиш оғриги, савдо касалликларига ишлатилади.

**Ишлатилиши:** сиртдан суртишга, кўз касаллигига оз миқдорда ейишга берилади.

**314-нусха: Зимоди исфагул**

**Таркиби:** кўкнори, исфагул тенг миқдорда, гул ёғи оз миқдорда.

**Тайёрланиши:** дориларни таъми чиққунча қайнатиб, устидан гул ёгини томизиб тайёрланади.

**Таъсири:** ҳар хил шишларни қайтаради.

**Ишлатилиши:** суртилади.

**318-нусха: Зимоди сус**

**Таркиби:** бинафша, арпабодиён, шивит, зиғир, шумша уруги, арпа уни 10 граммдан, мол илиги, тухум ёғи, эчки ёғи - 5 граммдан, кунжут ёғи - 20 грамм.

**Тайёрланиши:** дориларни майин туйиб, сувда қайнатиб, аталадек бўлганда ёғлар аралаштирилади. Табиати мўътадил.

**Таъсири.** Оғриқ ва санчиқни босади. Кўкрак ва бошқа аъзолардаги санчиқларга, кўкрак пардаси яллиғи сабабидан бўлган санчиқларга, буйрак ва жигар соҳасидаги санчиқ оғриқларга ишлатилади.

**Ишлатилиши:** оғриған жойга иссиқ ҳолда сиртдан чаплаб, боғланади.

(Давоми келгуси сонда)

## ҲАҚИҚАТНИНГ СИНГАН СУЯКЛАРИ...

"Ҳақиқат букилар, лекин синмайди",  
Билмадим, қайси бир замон нақли бу.  
Балки ноҳақликдан куйган фақирнинг  
Юпанч токчасида қолган ақли бу...

Аср хазинасин ўмарид сокин  
Гердайиб юрибди семиз ёлғонлар  
Таҳқир қамчисини еган ҳақиқат  
Азоб ялоғидан ичганда қонлар.

Тилло капкирларин ўйнатиб нозли  
Ёлғонлар измида жилпанглайди Вақт.  
Кимнидир йиглатиб қурилган қаср  
Эшигига хизмат қилиб юрар Баҳт.

Эски мақол кезар тош кўчаларни,  
Қонини силқитиб юракларини.  
Ҳар тонг супуради раҳмдил шамол  
Ҳақиқатнинг синган суюкларини...

\* \* \*

Жуда ҳам кеч қолдим  
ё эрта келдим,  
Нега мени ҳеч бир кимса тушунмас?  
Дараҳтман-у гўё илдизи кўкда,  
Ҳайиқибми, чўчиб бирор қуш қўнмас.


Яқин бўлсам, бўлдим кўнглимга яқин,  
Йироқ бўлсам, бўлдим кўнгилдан йироқ.  
Умрим хирмонини елга совурди  
Жоним ичидаги минг йиллик титроқ.

Мени тушунмаган оломон ичра  
Гоҳо малол бўлдим, гоҳида миннат.  
Рақибу рафиқим бўлган кўнгилга  
Садоқатли итдек қилолдим хизмат.

Дўзах талвасаси  
Ва жаннат ёди –  
Ҳақиқат тонгидан олинган улги.  
Мендан ҳам қадрли, мендан ҳам суюқ  
Кўнглим,  
Ахир, кўнглим Худонинг мулки.

\* \* \*

Умрим ўтди менинг, хиёнат йиртган  
Ишқим умидининг кўйлагин ямаб.  
Яшомласам нетай сиз каби, жоним,  
Кўнгилни ёлғоннинг ичига қамаб?



Ҳамида  
Ақмельова

\* \* \*

Саҳарнинг уйидан қочган шаббода  
Пардалар бўйнига чирмашганда маст,  
Биллур қадаҳига тўлдириб бода,  
Ўзининг жонига гул этганда қасд,  
Эзма ҳофиз – сувнинг хиргойисидан  
Безиган ялпизлар кетганда тошиб,  
Умр ажин тўла пешонасини  
Қайгуниг тошига урганда шошиб,  
Бегуноҳ қушларнинг кўзёши билан  
Кирланган кўнглини ювганда осмон  
Бирор унсурингда кўринмас эдим,  
Мен қаерда эдим, айтгин, Художон?

\* \* \*

Само дарёсида оқар олмалар,  
Тикилсам, кўзимнинг нури етмайди.  
Ёшлигим боғида қолган олманинг  
Хиди димогимдан ҳануз кетмайди.

Малаклар бежирим қулоқларига  
Таққанда синдириб ойнинг ярмини  
Нега мен кўмсайман беором, илҳақ  
Жаннат боғларининг олмаларини?..

На шуъла-эҳтирос, на-да бир мавж бор,  
Бугун олисадир гарчи ишқ шаъми.  
Авжлироқ гуркираб бормоқда нечун  
Лабдаги илоҳий олманинг таъми?

Одам Ато, кечир, ўжар Ҳаввоман,  
Мени тушунмайди на само, на ер.  
Кўнглим бошқоронгу, кўнглим бетоқат,  
Жаннат олмасидан битта узиб бер.

\* \* \*

Кўнглим, билмадинг деб солмагин гавфо,  
Севгилим, сен ҳам бир яқунсиз эртак,  
Бизни бу дунёда билмагай ҳеч ким,  
Ҳеч ким тушунмагай Худодан бўлак.



## АСАЛАРИ МУМИ

Табобатда минг йиллар давомида қўлланилиб келинаётган ушбу восита асалари уяси бўлиб, одамлар ҳам озуқа, ҳам шифо учун истеъмол қиласидаган асал айнан ана шу уяларда жамланади. Унинг уч хили бор.

1. Асаларилар қанча йўл босиб, гул ва гиёҳлар багридан саралаб йиққан ва авайлаб олиб келган нектарини ана шу уяларда жамлаб асалга айлантиради. Асали олингандан уялар ҳам инсон соғлиги, бошқа эҳтиёжлар учун асқотади. Биз асалари уяси деб айтажётганимиз, табобатда асалари муми номини олган ушбу неъмат қизил-сариқ рангга мойил бўлиб, юмшоқ, ёғли ва хушбўйлиги билан ҳам эътиборни тортади. Қолаверса, унинг янгисидан асалнинг ҳиди келади.

2. Бу ўша асал қиёмига етадиган хоналар устидаги пардалар бўлиб, уларда асал бўлмайди. Бу яхшию ёмонликда ўртачадир.

3. Буниси таслит номи билан машҳур бўлиб, ранги қора, асаларилар унинг уясини бало-қазолардан асрорчи модда сифатида, тибиёт тили билан айтганда, инфекциялардан муҳофаза қилгандек, уясидаги асал-донлар деворларига суркайди. Бошқа мумларга қарангандаги муолажа учун бу тури унчалик самарали эмас. Буни русчасига прополис дейишади.

Асалари мумининг мизожи иккинчи даражада иссиқ ва ҳўлиқда мўътадиллар. Куввати бир йилгача муқаррар бўлади.

Шифобахшлик хислатлари: унинг умумий хусусияти бадандаги куюқ моддалар ва шишларни таҳлил қилувчиидир, кераксиз моддаларни пиширувчи ва бадандан чиқариб ҳайдашга тайёрловчи ҳамда асабларни юмшатувчи ҳисобланади. Шунингдек, малҳамлардаги ислоҳ қилувчилик ва сақловчилик хислатларига эга.

Унинг 2 граммини буғдой донасига ўхшатиб кесиб-кесиб кунжут ёғида ивитиб ичилса, ички захмлар (жумладан меъда ва ўпка захмларини, ичакларнинг яллигланиши ва эски ичкетаргла шифо бўлади. Шунингдек, бадандаги заҳарларни даф этади, кўкрак ичидаги аъзолар дарди, йўтал ва сил касаллигига даво бўлади, баданнинг турли жойларида қотиб қолган сутни таҳлил қиласиди ва шифо багишлади. Томоқ оғриги ва ҳалқум тилчиқларини бартараф этиб, овозни мусаффо қиласиди.

Агар асалари мумини қуйдириб беморга тутуни ҳидлатилса, ҳарорати бор беморларни терларатади, ваболи ҳавонинг мурдор ҳидларини даф этади, бурунни ёмон ҳидлардан тозалайди, қўланса ҳидлар азиятидан халос қиласиди.

Асалари мумини қизилгул ёғида ёки зайдун ёғида эритиб, у билан ҳуқна қилинса, ичаклар яллигланишига бағоят фойдалидир. Бинафша ёғига аралаштириб суртилса, кўкрак қафаси ичидаги аъзолар дагаллиги ва баданнинг бошқа дагалликларини даф қиласиди, шишларни пиширади, яллигланиш ва қўтирга қарши дори бўлади ва захмлар оғзини кен-

гайтириб, йиринг ва ифлос моддаларнинг чиқиб кетишига шароит яратади, заҳарли ўқлар захмини даф этади.

Гулсапсар ёки оқ гул ёғида тайёрланган мум ёғи юзга суртилса, ранг-рўйини қизил ва мусаффо қиласиди, юздаги сепкил дөгларини йўқотади, асабларни юмшатади. Агар ушбу мум ёғи сариқ ёки қизил мумдан гулсапсар ёки қизилгул ёғи аралашмасидан таркиб топган бўлиб, уч ҳафта қўёшга ташлаб қўйиб, кейин суртилса, қулоқ остидаги шишларни бартараф қиласиди ва шишларга моддалар йигилишини тўхтатади.

Асалари мумининг ўзидан кулча ясад, аёллар сийнасига қўйиб боғланса, сутни сийна учиди қотиб қолиши олдини олади ва агар қотган асаблар ва шишларга боғланса, уларни таҳлил қиласиди ва юмшатади.

Мумни майда-майда бўлакчаларга бўлиб, туйилган занжабил томирини аралаштириб, халтачага солиб, кунжут ёғида иситиб, иссиқма-иссиқ боғланса, шиш ва бодларни таҳлил ва оғриқларни бартараф қиласиди. Лекин мумни еса иштаҳани бўғади ва бадандаги аъзоларда иллатлар пайдо қиласиди. Бунинг энг яхши давоси нон ейиштир. Бир кунда бир марта истеъмол қилинадиган мумнинг миқдори 1,75 граммдан ошмаслиги лозим. Асалари мумининг ўрнига бокила (жўхори) унини еса ҳам даво бўлади.

Асалари мумини шифо учун аввал оқартириб, кейин истеъмол қилинади. Мумни оқартириш асноси қуйидагича: мумни эзғилаб совуқ сувга солинади ва унинг сув тагига чўккан қўйкумлари олиб ташланади, бу бир неча марта тақрорланади. Шундан кейин уни тоза сопол қозонга солиб, устидан дарёниг шўр сувини қўйиб (агар дарёниг суви зарур даражада шўр бўлмаса, туз аралаштирилади) бироз арман танакори қўшилади ва то эриганига қадар оловга қўйиб, кейин оловдан олиб, бошқа кичикроқ сопол қозоннинг тагини намлаб, уни катта қозон ичига солинади, шунда кичик қозондаги мум аста-секин томчилай бошлайди, томчилаш тўхтагач, кичик қозон оҳиста қўтариб олинади ва катта қозондаги мум соғугандан кейин ажратиб олинади. Ва яна сопол қозонда катта қозонга солинади ва бу амалиёт бир неча марта тақрорланади. Йигилган мумни ийлаб, юмалоқлаб ипга тортиб, бир неча кун қўёшга осиб қўйилади ва вақти-вақти билан совуқ сув пуркаб турилади. Шундан кейин бир неча тун ой ёриғида осиқли турса, мум оқаради. Ана шундан сўнг оқарган мумни юқорида айтилган хасталикларни даволашда фойдаланилади.

Мумни оқартиришнинг бошқа йўли ҳам бор – мумни идишга солиб унинг устидан қайнаган сув қўйилади-да, мум оқаргунча муттасил қайнатилади. Асрлар давомида табобатда ишлатилган асалари мумини оқартиришнинг ана шу амалиётидан фойдаланилган.

## ЭРЛИК ИҚТИДОРИНИ АСРАШ УСУЛЛАРИ

Чин табиблари маслаҳатлари

Қадимги тибет табобатида идишдан қанча ичсам, уни шунча түлдиріб қўйишим керак, деган гап бор. Турли хилдаги шаҳвоний қувват берадиган дори-дармонлар билан киши ўзининг табиий ва руҳий имкониятларини қирқиб қўймаслиги керак.

Масалан илгарилари 60, 70, 80 ёшида уйлашиб, фарзанд кўрганлар ҳам бўлган, бунга Олтмишбой, Етмишбой, Саксонбой исмлари мисол бўла олади. (бундай исмлар фарзанд туғилганда оталарининг ёшига қараб қўйилган). Улар неча кун ўтказиб алоқа қилиш кераклгини, Пайшанба, Жума кунларининг хосиятлари ҳақида яхши билишган, албатта. Ҳафтада бир-икки марта яқинлик қилиш ўртача меъёр ҳисобланган. Кексайганда ишқ лаззатидан бебаҳра бўлиб қолмаслик сирларидан озми-кўпми воқиф бўлганлар. Ҳозирги замон ёшлари эса бу ишга бепарволик билан қарайдилар, билиб-бilmай нотўғри иш юритиб ҳатто кучли танани ҳам чарчатиб қўядилар. Шунинг учун ҳозирги кунда кўп ёшларнинг мизожлари суст бўлиб қолмоқда.

Хитой табибларининг таъкидлашича, шаҳвоний ва ақлий қувватни битта аъзо – буйраклар бошқаруб туради. Улар шу қувват тутамини у ёки бу оқимга юборади. Одам бирор нарсадан қаттиқ сиқилганда, эзилганда, асаби бузилганда оқим жуда зўр бериб ишләётган жойга – мияга боради, бу эса қонуний равища либидонинг сусайишига олиб келади, чунки бу вақтда жинсий аъзолар ўзларига керакли бўлган энергияни ололмай қоладилар. Ошиқ-маъшуқларнинг узоқ лаҳзалар давомидаги нозу истигнолари, эркалашлари оқим йўналишини тўғри томонга ўзгартириши мумкин. Бунда иккита масала бирдан ҳал бўлади, яъни шаҳвоний иштиёқ аслига келади ва стресс сусаяди. Шунинг учун Хитой тиббиёти тавсиясига кўра, ишдан кейин чарчаган, асабийлашган эр-хотинлар бир-бирини эркалашлари, суйиб, яхши сўз айтиб кайфиятларини кўтаришлари (фақат ҳирсни қондириш вақтидагина эмас, балки бошқа пайтларда ҳам) керак. Бу эса қувватнинг оқим йўналишини аста-секин тиклаб боради. Натижада ошиқ-маъшуқлар бир-бирига интила бошлайди, меҳрга қониқиб, кўнгли ором топади.

Икки қалб бир-бирини багрига босганда, уларнинг ҳар бирининг қуий андом соҳасида иссиқ қувват пайдо бўлади. Ана шу қувват аста-секин юқорига, умуртқа погонасидан бошнинг тепасигача кўтарилади. Инсон ана шу керакли қувватни тасаввур қилишни, бошқаришни ўрганиб олиши, уни онгли равища зарур бўлиб турган жойга йўллай билиши керак.

Демак, буйраклар организмдаги энг муҳим энергетик манба. Сиз жуда толиқиб қолганингиздан кейин у ердан келадиган оқимнинг қуввати тугайди, натижада асаблар таранглашади.

Танадаги шаҳвоний қувват миқдорини тананинг маълум нуқталарига тегиб, аниқлаш мумкин.

Бармоқларингиз учини киндингизнинг тахминан 5 см остига теккизинг. Кейин 5 сантиметр юқорига теккизинг. Агар остки соҳа юқорисидан совуқроқ бўлса, демак сиз қувватни йўқотяпсиз. Яна бир «назорат жойи» тиззантисиз соҳасида, оёқларингизнинг ички юзасида туради. Агар шу жой сонингиз ички юзасига қараганда совуқроқ бўлса, «аккумулятор»нгизни зарядка қилишга шошилинг.

Яъни қум тўлдирилиб қиздирилган халтани ёки қалампирли пластирни елкангизга, белингизга, умуртқа погонасидан 3-4 см. чапроқقا қўйинг, 20 минут шу зайдада ётинг. Елканинг ўнг томонида иссиқ сув тўлдирилган (куйдирмайдиган) шиша идишни то тиззага қадар юмалатиш керак. (Умуртқа погонасидан 3-4 см. ўнгда).

Хитойликлар қанд, шакар ва ширинликлар, сут ва сут маҳсулотлари, тез сингадиган углеводлар, алкоголь ва ёғли овқатларни тавсия этмайдилар.

Оқсили овқатлар – дуккаклилар, балиқ, хусусан кўзичоқ ёғи, мева ва сабзавотларни кўпроқ истеъмол қилиш керак. Ёрмалар, йирик тортилган бугдой нон, асал, шунингдек маврак ва саримсоқ ҳам мувознатни асли ҳолига келтиради.

Шаҳвоний қувватни ҳаракатга келтиришнинг яна бир усули – баъзи нуқталарни ва зоналарни рағбатлантиришдир. Бундай нуқталар елканинг остки қисмida – умуртқа погонасининг ўнг ва чап томонида тахминан 4 бармоқ энидаги «ҳаётий қувват денгизи» деб аталаидиган жойда тик турган ёки ётган ҳолатда уларни фаоллаштириш мумкин. Бунинг учун ўша ерни массаж қилиб туриш керак: иккала қўлни чалкаштириб думгаза устидан бошлаб силаш керак. Ана шу чалкаштирилган кафтларни юқорига ва пастга юргизиб, маҳбубга хуш ёқадиган жойни топишга ҳаракат қилиш керак. Ўша жойни топгач, кафтингиз асоси билан бир неча лаҳза оҳиста-оҳиста босиб, силаб туриш керак.

«Қувват» димланиб туриб қоладиган яна бир соҳа – соннинг олдинги юзаси билан тана қўшиладиган жой ҳисобланади. Йигилиб қолган энергияни чиқариб юбориш учун чалқанча ётинг. Жуфтингиз чўйкалаб туриб, қовуқ ва сонлар устига кафтларини қўйиб тана оғирлигини аста-секин кафтлари асосига шундай туширсинки, сонингиз артериясида томир уришини сезсин. Сиз хотир-

жам, чуқур-чуқур нафас олиб ётинг. 1-3 лаҳзали бу машқ қувватни бўшатишнинг энг самарали усулидир.

Цигун қадимги хитой гимнастикаси бўлиб, у ҳам шаҳватни оширади. Цигуннинг асоси тўғри нафас олишидир. Куйидаги машқни бажаринг. Тик туриб, қўлларингизни танангиз бўйлаб бемалол туширинг. Кумуш игна умуртқа погонангиз ва бошингиз ичидан ўтятпи, уларни таранг ва тик тутиб турибди, деб фарауз қилинг. Елкаларингизни керинг. Зўриқманг.

Нафас олганингизда диафрагмани кенгайтиринг – шу пайтда ҳаво бурнингиздан бемалол ўтсин. Нафасни диафрагмани қисқартириб, бурнингиздан чиқаринг. Шу зайлда танани қувватга тўлдирасиз.

Яна битта унча қийин бўлмаган машқни бажариш мумкин. Тик туриб, оёқларингизни елка кенгри

### **Маслаҳатхона**

#### **Йўтални қандай тўхтатиш мумкин?**

Турпни жуда майда (сомонча) тўғраб, суюқ асал билан аралаштирасиз. Бу аралашма 6 соат туради. Ҳосил бўлган шарбатдан ҳар соатда 2 ош қошиқ ичасиз.

\* \* \*

Кўкрак қафасини ва орқа курак ўртасини "хом эритилган" думба ёғи билан ишқалайсиз.

Думба ёғи қозонга солиб эритилаётганда қизармасдан, оқ ҳолатда қозондан олинади.

\* \* \*

Бир коса шолғом сувига бир ош қошиқ асал солиб аралаштирасиз ва оловда қайнагунча тутасиз (қайнатмайсиз). Бир кунда 3-4 маҳал, уч қултумдан ичасиз, овқатдан ярим соат олдин.

\* \* \*

Ўн бош пиёз ва икки бош саримсоқни жуда майда тўғраб, бир оз янги соғилган сигир сутида қайнатасиз, тики пиёз ва саримсоқ юмшаб "малҳамдек" бўлсин. Икки ош қошиқ асал қўшасиз. Ҳар соатда бир ош қошиқдан кун давомида ичасиз.

\* \* \*

Кўкрак қафаси ва орқа кураклар оралигига турили хил ҳайвон ва ўсимлик ёғларини (от, гоз, саримсоқ, пахта, кунжут) уйқудан олдин сурасиз.

#### **Оби сиёҳ (катаракта)да қандай йўл тутмоқ лозим?**

Биз бу касалликка ҳалқ табобати нуқтаи назаридан журнализминг 2000 йил (3-4) қўйша сониди таъриф берганмиз. Бу касалликнинг олдини олиши ёки касаллик даврида фойда берадиган тавсияларни батаси билан қўлганмиз. Яна бирор қўшимча маслаҳатларни ҳукмингизга ҳавола қиласиз.

\* \* \*

Оби сиёҳни бош оғримаган пайтда даволаган маъқул, акс ҳолда мия қобигида ўсимта пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бемор йўталмаслиги ва асабийлашмаслиги лозим. Жаҳл чиқиши

лигига қўйинг. Кафтларингизни бирлаштириб, то иссиқ ҳосил бўлгунча бир-бирига ишқаланг. Кейин қўлларингизни буйракларингиз соҳасига (белингиз ҳамда елкага), бармоқларингизни бир-бирига иложи борича умуртқа погонасига яқинлаштириб қўйинг, катта бармоқларингиз пастига қараб турсин. Тиззангизни сал букиб, сонларингизни соат мили бўйлаб оҳиста айлантиринг, танангизнинг юқори қисмини иложи борича қимирлатманг. Машқни оҳиста бажаринг, сонларингиз айлананинг орқа ярмидан ўтаётганда нафас олинг, олдинидан ўтаётганда нафас чиқаринг. 10 марта айлантиргач, энди бошқа томонга айлантиринг, ҳаммаси бўлиб, ҳафтада 3-4 марта, 160 марта айлантиринг.

Шарқ табиблари қадим замонларда ишлаб чиқкан бу машқларни амалга ошириб турсангиз, янги чиқаётган дори-дармонларга ҳожат қолмайди!

ва йўтал касалликнинг ривожланишини келтириб чиқаради.

\* \* \*

Уч чой қошиқ майдаланган тирноқгул, тамари ҳинди, шаққоқул ва норжилни 0,5 литр қайноқ сувга, термосда дамлайсиз.

Икки соатдан кейин, дамламадан 100 граммдан бир кунда тўрт маҳал ичасиз. Шу дамлама билан кўз ювилади.

\* \* \*

Ширин олхўри ачитқисидан 200 мл., сумбул илдизидан майдаланган ҳолда 50 грамм оласиз. Ҳар иккаловини тоза шиша банкага солиб, оғзини маҳкам бекитасиз. 10 кун тургандан кейин фойдаланасиз.

Тартиби: уйқудан олдин 3-4 маротаба ҳидланади.

#### **БОБОМНИНГ ЎГИТЛАРИ**

\* Саидлардан, беклардан, шоҳлар наслидан бўлмаган одамлар фарзандларига "шоҳ", "бек", "саид" кўшиб атасалар, исм оғирлик қиласиди, бола кўтаромлай касалга чалинадиган бўлиб қолади.

\* Сувга ахлат ташламанг, фаришталар қарғишига қоласиз.

\* Мехмоннинг пойафзалини тозалаб қўйиш савоб.

\* Боланинг сочини гул тагига, тирногини тозажойга кўммоқ жоиз.

\* Боланинг кийимлари кечаси дорда қолмасин, кўрқадиган бўлади.

\* Мехмондорчиликка нонсиз борманг.

\* Азали уйда узоқ ўтирунг.

\* Кўшни чиқарган дастурхонни қуруқ қайтарманг.

\* Тиланчини ноумид қиласиз.

\* Дастанхонга нонни жуфт қўйинг.

\* Нон увоқларини канализацияга оқизиб юборманг.

## **ФАВОИД УЛ-АДВИЙЯ ВА МАВОИД УЛ-АҒЗИЙЯ**

*(Дориларнинг фойдалари ва овқатлар дастурхонининг манфаатлари)*

*Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳийм*

Ягона Яратувчи ва тенги йўқ Ризқ берувчи, улуглик соҳиби бўлган Аллоҳу табоюга чексиз ҳамдлар ва ниҳоясиз санолар бўлсинки, қудратининг бир томчисидан "Коф" карами ва "Нун" неъмати билан оламни пайдо қилди. Ва илтифотининг "Алифи" билан йўқликка дам уриб, Одамни борлиққа келтирди. Ва иноятининг "Айн"идан чексиз илтифоти жўш уриб, "Сизларга ризқ қилиб берилган покиза нарсалардан тановул қилинглар" ва "Аллоҳ берган ризқдан енглар ва ичинглар" мазмунига мувофиқ тақдир қилинган ризқни ато қилди.

Одамлар ва руҳларнинг Саййиди ва икки оламнинг шафоатхоҳи бўлган Расулига беҳад саловотлар ва беадад саломлар бўлсинки, Ул Зот Ҳазрати Субҳон ҳабибларининг улуги, маъсият иллати табибининг шафоати, гуфрон йўлиниңг риояткори ва жаннат сари йўл кўрсатувчи ҳидояткоридирлар. Унга, оиласига, покиза ва покломан дўстларининг барчасига саломлар бўлсин!

Аммо, шундан сўнг, махфий қолмагайки, бу факир, ожиз ва нотавон, ҳеч нарса билмайдиган ҳақири ва ноҳиз Боситхон ибн Зоҳидхон Ҳаким марҳум аш-Шошийнинг назарларга номақбул асрларидан мазкур асар ўн учинчиси бўлса-да, бироқ табобат соҳасидаги иккинчи асар дейишига сазовордурки, биринчиси "Қонун ал-Мабсүт" номли тиббий қонун бўлиб, инсон баданининг ташрихи (анатомияси) ва ҳифзи сиҳҳат (соғлиқни сақлаш), тарбия чоралари ва бошқа табиий тиббий ишларни ўз ичига олади. Ҳажм жиҳатидан икки жилд, номи эса "Қонун ал-Мабсүт"дур. Унда фойдаланилган тиббий истилоҳларни лугат тартиби билан алоҳида бир жилд қилинган бўлиб, номи "Интифоот ал-атиббо фи истилоҳот ал-аҳиббо" эди, уни ёзиб умумхалқнинг фойдаланиши учун Давлат кутубхонасига топширган эдим.

Иккинчиси мазкур асар бўлиб, олдин ўтган табибларнинг тажрибаларидан йигиб ҳамда марҳум қиблиагоҳимнинг тахминан эллик-эллик беш йиллик машгулотлари асносида ҳосил бўлган тажрибаларини ўрганиб, ўзимнинг эллик саккиз йиллик меҳнатим асносидаги тажрибаларимдан қисман унга киргизиб, ёздим. Баёнда Ҳаким Мир Муҳаммад Ҳусайн марҳум ал-Хуросоний сумма-ш-Шерозийнинг барча асарларини топиб, ул кишига тибнинг барча шарт-шароитлари мусассар бўлганлигидан ҳамда уларнинг баён тартибларидан ибрат олиб, тажриба ҳосил қилиб, ҳаммадан осон ва фойдали тартибда баён қилганларидан бу фақир ҳам истифода қилиб, ўшал тартибда баён қилмоқни лозим топдим.

Яна мазкур баён учун манба бўлган ва ривоятлар учун асос бўлган китоблар ушбулардур:

Табиблар орасида мўътабар ва ўқитиладиган китоблардан Абу Али ибн Синонинг "Қонун" ва яна унинг "Адвият ал-қалбия" китоблари;

Ибн Байтор исми билан машхур бўлган Моликининг "Жомиъ" китоби;

Шайх Юсуф Бағдодийнинг "Ма ла ясаъ ли-табиб жаҳлаҳ" "Табибининг маъюслиги унинг билмаслигидандир" номи билан машхур бўлган "Тазкира"сиким, уни "Жомиъи Бағдодий" ҳам дерлар;

Антокийнинг "Тазкирайи ули-л-асбоб" номи билан машхур бўлган "Тазкирайи Антокий" асари;

Шайх Исломи ибн Ҳайбатуллоҳнинг "Иршод" номли китоби;

Ибн Тархон номи билан танилган Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммаднинг "Тазкират ас-сувайдия" китоби, бу маълумот "Кашф аз-зунун" муаллифи бўйича, шундай, бироқ "Махzan ал-адвия" соҳибининг сўзича, у Абу Райҳон Берунийни эканлиги англаур.

Ҳаким Ҳожи Зайнуддин Атторнинг "Ихтиёроти Бадиъи" номли китоби;

Ҳаким Мир Муҳаммад Мўъмин Тунгонийнинг "Туҳфат ул-мўъминийн" номли китоби;

Ҳаким Мир Абдул Ҳамиднинг "Туҳфат ул-мўъминийн"га ёзган "Ҳошия"си;

Ҳаким Мир Муҳаммад Қосимнинг "Ихтиёроти Қосими" номли китоблариким, ул киши Фаришта демак илила машхур ва Ҳиндушоҳ деган лақаби билан маълумдур.

Ҳаким Мир Муҳаммад Афзалнинг китобларидан ва бошқа хил Ҳинд китобларидан ҳам олингандур. Буларнинг баёни асосида муаллифилари ҳам кўрсатилгандур.

Қиблиагоҳим марҳумнинг тажрибалари ҳамда ўзимнинг тажрибаларимдан қўшган ва изҳор қилган жойда буларни ҳам кўрсатиб ўтдим. Аммо "Махzan ал-адвия" соҳибининг ёзганларидан бу фақирда шубҳа пайдо бўлганда ул кишининг кўрсатган манбаларига татбиқ ва таҳқиқ билан ўша шубҳани бартараф қилдим. Бироқ бешубҳа қаноат ҳосил бўлган жойда манбани ва баён қилувчини кўрсатмадим. Баён қилувчи номаълум қолган кўп жой ва кўп маҳалда ривоят қилувчи албатта "Махzan ал-адвия" соҳибининг баёнлари бўлур.

Баён тартибида аксар аъзонинг тартиби бўйича бош касалидан бошлаб то оёқ касалигача батартиб баён қилинур. Сўнгра бир аъзога хос бўлмаган касалларни, сўнгра бунинг заарларини, сўнгра созловчисини, сўнгра ичиш миқдорини, сўнгра сақланиш қувватини, сўнг бадалини баён қилинур. Баъзи мураккаб таркибли даволарнинг баёнида мураккаб дориларга ишорат қилинди, токи керак вақтида мураккаб дорилар ҳақидаги китоблардан топмоқ ва фойдаланмоқ осон бўлсин. Китобидан фойдаланилган табибларнинг ватанлари яшаган шаҳарлари

*(Давоми 21 бетда)*

## НОЗИК МУОМАЛА

*ёки муштарийларимизга айтмаса бўлмайдиган жуда нозик гап*

Ўтган сонларда бир неча марта берилган нозик муомала ҳақидаги мақолаларимиз ва кўйида яна эълон қилинаётган нозик муомала вақтлари жадвали хусусида муштарийларимиз турли-туман фикрларни билдиримоқдалар.

Баъзилар ҳатто эркак билан аёлнинг нозик муомала вақтини чеклаб қўйиш мутлақо нотўғри деган фикрларни ҳам билдирадилар. Биз ўз муштарийларимизга бир савол билан мурожаат қўлмокчи эдик: уйланганингизда тўйдан олдин сизга эркак билан аёлнинг нозик муомаласи қай тарзда, қандай ва қайси вактда бўлиши кераклиги, нозик муомаланинг нозиклигининг асл маънени ёки муомала қилувчининг одоби ҳақида бирор киши маслаҳат берганми.

Умуман, бундай ҳастий нозик муомала қандай амалга ошириладио, бундай муомалага бериладиган тавсиялар нималардан иборат. Бизнинг мамлакатимизда шўро тузуми ўрнатилганидан кейин табобатимиз илдизига болта урилди, табиблар қатагон қилиндилар. Нега дабдурустдан табибларни эслаб қолдик. Чунки қадимдан уйланадиган йигитнинг оила қуришга тайёрлигига табиб гувоҳлик бергандан кейингина никоҳ ўқилган. Балоғат ёшига етган йигит маълум вақт табиб ҳузурига қатнаб, нозик муомаланинг нозик томонлари ҳақидаги тавсиялар билан ошно бўлган. Никоҳ ўқилиши олдидан қиз боланинг никоҳга тайёрлигига отин ойи ва табиба аёл мулла олдида гувоҳлик берганлар. Оила қуриши лозим бўлган ёшлар никоҳга тайёр бўлганлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина мулла никоҳ ўқиган.

Хўш, шу кеча-кундузда аҳвол қандай. Қўлимизни

### *Нозик муомала учун саъд ва наҳс вақтлар шарҳи*

№	Кунлар	Саъд ё наҳс	Суҳбат қисса нима бўлади?	Фарзанд қандай бўлади?	Нега бундай бўлади?
1	Якшанба	Наҳс (ёмон)	Иситма пайдо бўлади	Ёлгончи, қўпол ва онабезори бўлади	Қуёш подшоҳ бўлган кун
2	Душанба	Саъд (яхши)	Тан дуруст бўлади	Ҳусн ва камолот эгаси бўлади	Ой подшоҳ бўлган кун
3	Сешанба	Наҳс (ёмон)	Буйраги заиф бўлади	Ўғри ва қароқчи бўлади	Миррих подшоҳ бўлган кун
4	Чоршанба	Наҳс (ёмон)	Тутқаноқ касали бўлади	Хунаса бўлади	Аторуд подшоҳ бўлган кун
5	Пайшанба	Саъд (яхши)	Тан дуруст бўлади	Оқил ва улуғ мартабали бўлади	Муштарий подшоҳ бўлган кун
6	Жума	Саъд (яхши)	Тан дуруст бўлади	Олим ва парҳезгар бўлади	Зуҳра подшоҳ бўлган кун
7	Шанба	Наҳс (ёмон)	Беморлик пайдо бўлади	Фосиқ ва золим бўлади	Зуҳал подшоҳ бўлган кун

билин баён қилинди, токи бул давонинг ўсиши ўшал шаҳар атрофида бўлиб, ул табиб бу давони неча марта кўрган, шакл ва шамойил билан таниш бўлган, неча марталаб уни олиб, тажриба қилган, моҳияти, табиати, фаол кучи ва хоссасидан огоҳ бўлган зотларнинг баёнлари ҳақиқатга яқин ва ишончга лойиқлиги маълум бўлгай. Уларнинг ёзган китоблари

кўксимиизга қўйиб айтиш лозим бўладики, аҳвол ачинарли. Буни тан олишимиз керак. Ёшларимизга бундай муомала ҳақида гапириш гўёки уят ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш тизимида йигит-қизларимизга бу соҳада маслаҳат берадиган мутахассис ёки маслаҳатхоналар мавжуд эмас. Умуман бу ҳақда ҳеч қаерда гапирилмайди. Гўёки ҳамма, ҳамма нарсани ўзи билади. Натижада оиласалар бузилипти, касалманд фарзандлар туғиляпти, зинокорлик бўлмоқда ва ҳоказо.

Биз бу ҳақда гапиришга жазм қилдик. Ўтган йиллар давомида (2000 йилдан бўён) нозик муомала ҳақида туркум мақолалар ҳавола қилдик ва яна эълон қилиш нијатидамиз. Бу ҳақда сизлар ҳам ўз фикрингизни билдирисангиз, айни муддао бўлар эди.

Табобатда пала-партиш, тасодифий қовушишлар қораланади, соглом ва ақлли фарзандлар дунёга келтириш ҳамда бунда эр кишининг ўзи ҳам бақувват бўлиши учун машҳур табиб ўтган бобокалонларимизнинг ўғитларига қулоқ тутиш тарғиб қилинади.

Куйидаги такрор берилётган жадвални биз бот-бот эълон қилиб борамиз. Чунки бу ҳамма учун керак ва жуда муҳим тавсия. Бу асрлар давомида халқимиз тажрибасида синовдан ўтган тавсиялардир. Ўтган йилда журнал билан ошно бўлмаганлар бу тавсиялар билан айни замонда ошно бўладилар ва қолаверса, йил давомида янгидан-янги обуна бўлаётган муштарийларимиз ҳам бу тавсиялардан баҳраманд бўлсинлар.

*Таҳририят*

икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмининг мақоласи "адвияйи муфрада" (ёлғиз, содда дорилар) бўлур, унинг номини "Тазкира" дерлар. Иккинчи сининг мақоласи "адвияйи мураккаба" (мураккабдорилар) бўлиб, унинг номини юонийда "Қарободин" дерларки, бу табибларнинг умумий атамасига айланган.

## ОЗУКАЛАР БИЛАН ДАВОЛАШ

### Оғиз бүшлиги касаллукларида

Тиши миңки қонаши, оғиз оғриши бўлса, мувофиқ миқдорда олмурут истеъмол қилинади.

Тил, оғиз яллиганса, кашнич қўкатини сиқиб, сувида оғизни гарфара қилиб чайқалади.

Оғиз бүшлиги яллиганса, кўк турпни сиқиб, сувига тенг миқдорда совутилган қайноқ сув қўшиб, кунинга бир неча марта оғизни чайқалади.

Тил ёрилса, ачишиша, етарли миқдордаги беҳи уругини қайноқ сувга дамлаб, ширасини чиқариб, оғизни чайқалади.

Тил шишиб кетса, аччиқ сувни қозон қорасига аралаштириб, тилга томизиш лозим.

Оғиз яра-чақаланса, катта анорни олиб, пўстини арчиб, эзиз қайноқ сувга чилаб, докада сузгандан кейин сувида оғзини чайқаш лозим.

### Болалардаги оғиз оғриғида.

Анор пўстини ўтда куйдириб, талқонлаб оғиз ичига сепилади ёки бола эмизаётган аёлнинг сутидан қошиқда уч бармоқда 1 чимдим аралаштириб болага ичирилади.

Лаб ярасида, тарвуз уругининг магзини сувда эзиз, ётиш олдидан лабга чапланади.

Оғиз ҳидланишида, етарли миқдорда шафтоли ейилади.

Писта магзини узлуксиз чайнаб турилса, тишини мустаҳкамлайди, оғиздаги ҳидларни йўқотади, оғзини хушбўй қиласди.

Ухлашдан илгари олма истеъмол қилиш керак.

Иссик намакобда оғиз чайқалади.

Кабобаичиндан шимиб юрилади.

6 гр. ҳовлинжонни чала туйиб, 12 ҳисса миқдордаги қайноқ сувга 8 соат чилаб, қайнатиб, сузиз, сувидан ичилади ёки оғиз чайилади.

### Қўз касаллукларида

Қўриши қуввати пасайса.

Пиёзни асал билан аралаштириб, қўзга чапланади.

Какликнинг ўтини шакар билан аралаштириб қўзнинг сиртидан чапланади.

Бодом магзини новвот билан қўшиб ейилади.

500 гр. исмалоқни туйиб сувини чиқариб, 2 маҳал ичилади.

Беда кўқидан олиб, тозалаб пишириб ейилади, суви ичилади.

Мол, қўй ёки эчкининг жигарини чалароқ кабоб қилиб, кабобдан оқсан селини кўзнинг сиртига суртиб, кабобга 1,5 гр. нўшадил талқони сепиб ейилади.

100 гр. қўзиқоринни 50 гр. қўй гўшти билан қовуриб бир маҳалдан бир ҳафта ейилади.

Қўз қоронгилашганда.

Исмалоқ билан бодиёндан тенг миқдорда олиб чала туйиб, қайнатиб ичилади.

250 гр. қизил зиркни талқонлаб, эрталаб ва кечқурун оч қоринга 15 гр.дан ейилади.

Қўз ёшланиши билан кўз турлашиш бирга келганда, зайдун ёғини кўзга суртилади.

Қора улоқнинг жигарига қора мурч сепиб, кўрда кабоб қилиб, оқсан селини кўзга суртилади, жигарини ейилади.

Қўз қизарии, қичишиши ва оғришида.

Кашнични янчиб, сувини гул ёғи билан аралаштириб қўзга томизилади.

Олмани сиқиб, сувини кўзга томизилади.

Ҳар куни эрталаб кўзни суст намакобда ювилади.

Пиёзни сиқиб, сувини кўзга томизилади.

Янги ёнгок магзини эзиз, кўзга чапланади ёки сурма қилинади.

Кашнич сувини кофур эритмаси билан аралаштириб, кўзга томизса, кўз жияк яллигига шифо қиласди, ҳар хил қаварчиқ, қўтири чиқишининг олди олинади, бурунга томизса, бурундан келган қонни тўхтатади.

Кашничнинг сувини аёл сутига аралаштириб қўзга томизилади.

Қўзда ортиқча эт ўсиши.

Аччиқ анор сувини кўзга суртма қилиб тортилади.

Қизил пиёзни сувини кўзга томизилади.

Шабқўрлик (қоронгидага кўрмаслик).

Кунда 2-3 дона сабзи, 2 дона тухум ейилади, аррабадиён дамлаб ичилади. Ёнгок ҳолваси ёки тухум ҳолваси ниҳоятда фойдали.

500 гр. янги исмалоқни янчиб, сувига озроқ пишган гўшт тўғраб аралаштириб, овқат билан истеъмол қилинади.

Чала пиширилган тухумнинг саригини 3 маҳал истеъмол қилинади.

Кунда 2-3 бош сабзини парранда гўшти билан пишириб, шўрва қилиб ичиш баробарида яна 3-4 та сабзи ҳам истеъмол қилинади.

Бурун касаллукларида

Бурун битишида, иссиқ сувга бир неча чимдим туз солиб бурунни чайқаш керак.

Сиркага 10 дона саримсоқ солиб ҳидланади.

Бурун яллигидаги, бугдой кепагидан олиб, аччиқ сув билан қайнатиб малҳам тайёрлаб, бурун сиртидан чапланади.

Бурун қонашида, эски сиркага маълум нисбатда сув аралаштириб, бурунга томизса ёки пиёзниг сувини томизилади.

Тоза пахта ёки докани туз билан намлаб бурунга тортиласди.

Саримсоқни эзив, ўнг бурун қонаса, сўл оёқнинг товонига, сўл бурун қонаса, ўнг товонга суртиласди.

Кунжутнинг янчиди чиқарилган ёғини бурунга томизилади.

Кунжут майсасини янчиди, сувини бурунга З маҳал томизилади ёки кунжут ёғини упага аралаштириб, бурунни тозалаб, ичига киргизилади.

Юз атрофлигига, кўзга ва пешонага асал суртиласди.

Қовоқ магзининг ёғи ва бодом ёғини бошга чапласа ёки бурунга томизилса манфаати юқори.

Ерёнгоқнинг юпқа қизил пўстси билан кераклича жилонжийдани қайнатиб ичилади.

Бурун қонаши узоқ чўзилса: анор уругини мол сутига аралаштириб қайнатиб, совигач анор сувини билан истеъмол қилинади.

#### **Қулоқ қасалликларида**

Қулоқ жароҳатида, аччиқ анор сувини асал билан қайнатиб, қулоққа томизилади.

Тухум сарифини қўй ёғи билан қовуриб, жигарранг бўлганда ёғини олиб, қулоқ жароҳатлари ёғланади.

Қулоққа пиёз сувини томизилади.

Қулоқ оғриғида, тухум ва аччиқтошни қайнатиб қулоққа томизилади.

Зира, арпа уни ва сариёғни аралаштириб қулоққа суртиласди.

Асал, бугдой уни ва сариёғни аралаштириб, қулоқ атрофига суртиласди.

Пиёзниг илитилган сувини қулоққа томизилади.

30 мл. сирка, 15 мл. гул ёғи, 15 мл. ширин бодом ёғини аралаштириб, паст оловда доф қилиб, кунда қулоққа томизилади.

Турп сувига кунжут ёғи аралаштириб, қулоққа томизилади.

Озроқ мойга кабобаичин талқони қўшиб қулоққа томизилади.

Жусай сувидан қулоққа томизилади.

Қулоқнинг ўртаси ялигланса, ёнгоқ ёғини 2 маҳал 2-3 томчидан томизилади.

Молнинг ўти билан балиқ ёғини аралаштириб, қулоққа 5-6 томчидан томизилади.

Қулоқ оғирлашганда, қулоққа пиёзниг илиқ сувини томизилади.

Қулоққа балиқ ўти томизилади.

Пиёз сувини пахтага шимдириб қулоққа тикиласди.

Жусай баргини сиқиб, сувини томизилади.



## **ЯНГИ МЕҲМОН ОЛДИДАГИ ВАЗИФАЛАР**

*Муҳаммад Камол*

Севикли қизим! Янги тугилган чақалоқнинг қулогига энг аввал эшигтириладиган овоз – Аллоҳнинг бирлигини ва Унинг элчиси Муҳаммад алайҳиссаломнинг рисолатларини маълум қиладиган овоз бўлмоғи керак. Шунинг учун мусулмон ота-онага тушадиган энг муҳим вазифалардан бири боланинг ўнг қулогига аzon, чап қулогига такбир айтиб, бу муборак калималарнинг бола қалбига ўрнашишига ҳаракат қилмоқдир.

Азон инсонларни Аллоҳнинг бирлигини қабул қилишга, У Холиқи Мутлаққа ибодат этишга чорлайди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, инсонлар руҳ оламидаёт Аллоҳнинг бирлигини тан олганлар, вужуд (тан) оламига келгач ҳам қалбларига жойлаштирадилар. Ҳа, бу катта бир вазифадир.

Севикли қизим. Ота-онанинг яна бир вазифаси фарзанди ҳақига қўйидагича дуо этмоқдир: «Аллоҳим, шу боламни ота-онага итоатли, Ислом йўлида қадамларини баракотли қилгин».

Ота-онанинг авлоди ҳақига қилган дуоси Пайгамбарнинг уммати ҳақига қилган дуоси каби мақбулдир. Бинобарин, фарзандларингиз ҳақига ҳамиша хайрли дуо қилинг.

Севикли қизим. Фарзанд дунёга келгач, имконингиз бўлса, Аллоҳнинг бу буюк неъматига шукронга сифатида бир қурбонлик сўйинг. Бу қурбонликка Ақиқа қурбонлиги дейилади.

Сарвари Олам Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом невараалари Ҳасан ва Ҳусайнларга дарҳол ақиқа қурбонлиги сўйганлар. Ўзлари учун эса ақиқа қурбонлигини қирқ ёшларидан кейин сўйганлар.

Қурбонлик учун қўй, эчки каби ҳайвонларни сўйиш мумкин. Баъзилар қурбонлик сифатида хўрозни сўйишиди. Бу қурбонлик ҳисобланмайди. Бинобарин, хўрозни қурбонлик қилиш одати динимиизда йўқдир. Бу бизга қадимги туркуларнинг динидан қолган ботил одатдир.

Суюкли қизим! Ота-она фарзандига яхши исм қўймоғи лозим. Диний ишончлар йўлида берилган исмларнинг муҳимлиги, ҳатто мумкинлиги, ҳатто шафоатга мазҳар бўлишилиги айтиласди. Бу хусусда Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар: «Қиёмат куни ҳар ким исми билан чақирилади. Анбиёнинг, яъни Аллоҳ элчиларининг исмиди бўлган – ўша исмнинг баракотига ноил бўлиб, Жаннатга киради».

Яна бир ҳадиси шарифларида эса «Мен қиёмат куни ҳар Муҳаммад исмидаги умматимга шафоатчи бўламан» деба марҳамат қилганлар.

Жоҳилият даврида, яъни исломиятдан илгари диний маълумотлари, ишончлари бўлмаган қавмлар баъзан болаларига Абдушшамс (қуёшнинг қули) каби ёмон исмлар қўйғанлар. Расули Акрам бу исмни Абдуллоҳ деба ўзгартирдилар. Абдуллоҳ – Аллоҳнинг қули демакдир.

Шунинг учун ҳам фарзандларингизга муқаддас динимизнинг кўрсатмаларига мувофиқ исм қўйинг. Бутпарастлик замонидаги исмларни қўйишдан сақланинг.

Севикли қизим. Ота-оналарга оид вазифалардан яна бири ўғил фарзандларини суннат қилмоқликдир.

## ХАЛҚ ТАБОБАТИ ДОРИХОНАСИ

Ўзбекистон халқ табобати академияси шифобаҳаш зироатлар ва маъданлар азмоишхонаси томонидан  
қадимий қўллётмалар асосида ўрганилган ва ишлаб чиқаришга тавсия қилинган дорилар

**Юқори қон босими ичимлиги.** Бузуқ хилтларни ҳайдайди. Юракни кучайтириб, мияни равшан қиласди. Пешоб ҳайдаш хусусияти яхшиланади. Бош оғриқ, бош айланиши, юрак титраши, уйқусизлик ва қабзиятни бартараф қиласди. **Таркиби:** сандали ҳинди, қизилгул, чўл ялпизи.

**Мунаррахи ёқум.** Рӯҳни жонлантириш орқали савдони тарқатиб, тиқилмаларни очади, қон томирларини кенгайтириб, аслига келтиради. Юқори қон босими, аритмия, қон таркибидаги мойнинг ошиши, қон томири қотиши ва жинсий ҳавас сустлашиби касалликларида қўлланилади. **Таркиби:** ёқум, ипор, марварид, зағарон, қизилгул, говзабон, қаҳрабо.

**Жигар ва ўтни соғломлаштириши ичимлиги.** Жигар касалликлари билан оғриган беморларга тавсия қилинади. **Таркиби:** бихи бодиён, косин, ёва кашмиз, чўбичин, сандали ҳинди.

**Мунзиж жавҳари.** Шамоллашга қарши тавсия этилади. **Таркиби:** бихи бодиён, бихи кабар, тухми кўшиши, тухми косин, бодринг уруғи, қовун уруғи, говзабон, бодранж, рум бодёни, бодён, афтимун.

**Бодом жавҳари.** Йўтални тўхтатиб, балгамни бўшатади. Йўтал, зуком, нафас қисилиши касалликларида тавсия этилади. **Таркиби:** Бодом, носқовоқ уруғи, лайлигул уруғи, араб елими, қатиро, қиёми ширинмия.

**Матбуҳи афтимун жавҳари.** Сафро, савдони суриб чиқаради, қондаги мойни эритади. Буйрак, мия қон-томир касалликларида тавсия этилади. **Таркиби:** афтимун, ҳалила, қизилгул, сано, карафс уруғи, шотара.

**Курси хамири говзабони анбари.** Юрак уриши, уйқусизлик ва кўп туш кўришни ислоҳ қиласди. **Таркиби:** говзабон, анбар, марварид, қаҳрабо, пилла, бихи маржон, сандал, олтин варақ, кумуш варақ, қизил ёқум, бедимушки.

**Курси хамири марварид.** Юракни кучайтиради, қонни жонлантиради, тиқилмаларни очади. Тожсимон артериянинг бўтқасимон қотиши касали ва аритмияни даволашда ишлатилади. **Таркиби:** марварид, бодранжбуя, пилла, говзабон.

**Курси имсак.** Буйракни қувватлайди, мазий бези хасталигида ишлатилади. **Таркиби:** кундур, зағар, анбар, гўлинжон, суилаб, хашиб-хашиб пўсти, ипор, буқча чуиси, жуюз, қалампирмунчоқ, кучала.

**Курси даъвои мушки.** Юракни кучлантиради, асабни тинчлантиради, ошқозон, юрак, асаб мизожини мўътадиллаштиради. **Таркиби:** ипор, кардамон, ўшта.

**Ҳабби озароқи.** Фалаж ва лақва, маний ва пешоб тутолмаслик, бел ва мушакни қувватлайди. **Таркиби:** қовзоқ, долчин, жуз.

**Маъжуни даъвои имсак.** Раис аъзолар хизматини кучайтириб, ошқозонни согломлаштириб, асабни ёшартиради. Юрак ва кўкрак оғриш, кўриш қуввати ва асаб ожизлигига тавсия этилади. **Таркиби:** ипор, сандал, марварид мастаки руми, долчин, говзабон, пилла, уди ҳинди, запар, турбут, табошир, олма.

**Ҳабби мадатул ҳаёт.** Ҳўлликни қуритиб, соvuқликни тарқатади. Буйракни қувватлантиради. **Таркиби:** занжабил, қора мурч, фулфул, долчин, бобуна, зирааванда, савринжон, омила, шотаранжки ҳинди, слоби мисири.

**Курси банодуқ.** Шамоллаш, буйрак шамоллаши, қовуқ ва пешоб ўёли шамоллашига қарши тавсия этилади. **Таркиби:** оқ лайли уруғи, мингdevona уруғи, бодринг уруғи, бодом мағзи.

**Ҳабби барас.** Қонни юриштиради, терига ранг беради. Барас, баҳақ хасталикларида фойдаланилади. **Таркиби:** сиёdon, ансил куҳи, гули қақа, урдон, турбут, омила, оқирқарисо, қизил қичи, жуз, гориқун.

**Матбуҳи афтимун.** Сафро, савдони суриб чиқаради, қондаги мойни эритади. Қон босимини нормаллаштиради. Буйрак, мия, қон-томир касалликларига қарши ишлатилади. **Таркиби:** афтимун, ҳалила, қизилгул, сано, чинсай уруғи, шотара.

**Жавҳари мунаррахи авришим.** Мизожни, хилтларни меъёрига келтиради, тиқилмани очади, юракни кучлантириб, мияни қувватлайди, тожсимон артерия қотиши, юрак мушакларига қон етишмаслиги, аритмия, санчиш, асаб ожизлиги, уйқусизлик хасталикларида фойдаланилади. **Таркиби:** пилла, говзабон, сумбул, ипор, зағар, бодранж, ўшна гули, кардамон, устиқуддус, қизил гул.

**Янтоқ шакари жавҳари.** Баданни қувватлаб, ичакка ҳўллик етказади, сафро ва чучукни ҳайдайди. **Таркиби:** янтоқ шакари.

**Курси атирифули устиқуддус.** Оғриқ тўхтатувчи, мияни тозаловчи, буйракни қувватловчи, асаб ожизлиги, ирқуннисо, савдо ва сафронинг гайри-

табиий ўзгаришидан келиб чиққан касалликларда тавсия этилади. **Таркиби:** устиқуддуси ҳиндий, сано, афтиумун, омила, балила пүсты.

**Курсы горикун.** Балгамни бўшатиш, тиқилмаларни очиш, совуқликни ҳайдаш, йўтал, балгам касалликларига ишлатилади. **Таркиби:** горикун, турбут, анзарут, ширинмия илдизи, қурси иёражси пайқира, Абу жаҳал тарвузи.

**Курсы кибирит.** Яра-жароҳат, лимфа сили, мャқад оқмаси, темиратки касалликларида тавсия этилади. **Таркиби:** кибирит, араб елими, навшотир ақириқарихо, чўбичин.

**Курсы жавориши анбар.** Ошқозонни қиздириб, совуқликни ҳайдайди, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасига қарши ишлатилади. **Таркиби:** анбар, кабобаичин, лигинсона, ҳинди қоҳила, басбоса, долчин, фулфул, занжабил, мастаки руми, қалампирмунчоқ каби 16 хил доридан иборат.

**Курсы хиёришанбар.** Файритабии сафрони тозалайди ва бу сафродан келиб чиққан қабзият ҳамда ҳайз бузилишини меъерига келтиради. **Таркиби:** хиёришанбар, сабур, ширинмия, турбут, артабодиён, ҳалила.

**Курсы кокинаж.** Тўлиқ пешоб келмаслиги, пешоб йўллари шамоллаши ва қон пешоби касалликларига тавсия қилинади. **Таркиби:** Бодринг уруғи, кокинаж, араб елими, ширин бодом, ширинмия қиёми, кундур, карапша уруғи, афюон.

**Курсы жавориши зуруни.** Аъзоларни қувватлаш, жинсий иқтидорни қувватлаш, суръати инзол касалликларига тавсия қилинади. **Таркиби:** армуудун уруғи, занжабил, оқ мурч, суиди, оқ баҳман, қизил баҳман, тартиз, гулунжон, тияндук, бихи долчин.

**Курсы жавориши кумуни.** Ошқозонни кучайтиради, ҳазмни яхшилайди. Бел оғриқларига, «осилган қорин» касалликларига тавсия қилинади. **Таркиби:** Зира, занжабил, қора мурч, барги сўзоб.

**Курсы мантин.** Балгамни ҳайдайди, елни-совуқни олади, фалаж, лақва, қуланж, бел оғриғи муносия, никрис, раҳим яллиғланиши хасталикларини даволашда тавсия этилади. **Таркиби:** сакбинаж, ушоқ, жавшир, мұқал сабри, шахманзал, турбут, анзарат, сариқ ҳалила пўсты.

**Ҳабби Любоби қабир.** Мия ва буйракни кучайтириб, юракни қувватлаб, манийни кучайтиради. Боҳ ожизлиги, хомушлик, суръати инзол, бадан ожизлиги, ориқлаш, асаб ожизлиги хасталикларида тавсия этилади. **Таркиби:** буқа чўйиси, ҳавлинжон шолғом уруғи, кунжут, бодринг уруғи, қизил баҳман, норжисил, қусти талх, чалгуза, зогун уруғи, пил-пил, беда уруғи (28 хил ашё).

**Ҳабби имсак.** Жинсий қувватни оширади, манийни кучайтиради. **Таркиби:** қалампирмунчоқ, долчин, суилаби мисири.

**Ҳабби қўқиё.** Оғриқни тўхтатиш, бузук хилтлардан тозалаш, ҳар хил кўз оғриқлар, бош оғриқларга қарши тавсия этилади. **Таркиби:** афтиумун, горикун.

**Жавориши зуруни кумулач.** Мия ва буйракни қувватлаш, жинсий ожизлик хасталикларида тавсия этилади. **Таркиби:** басбоса, мунчоқ, буқа чўйиси, зафар, ипор.

**Абришим доначаси.** Юракни қувватлаб асабни мустаҳкамлайди. **Таркиби:** пилла, асорун ҳинди, бодранж, балангу, қизил гул, говзабон, устиқуддус пўсти, дурунжси долчин, қаҳрабо.

**Жавҳари Бузури.** Ошқозон ва жигарни қувватлайди, ўтни равонлаштиради, ошқозон, жигар, ўт яллигини пасайтиради. **Таркиби:** бихи карапши, шохола, бодён, тухми косин, қовун уруғи, бобуна, афтиумун.

**Курсы атрифули шотара.** Хилтни тозалайди, қичишини йўқотади, тери касалликларида ишлатилади. **Таркиби:** шотара, сариқ ҳалила, балила, омила, сано, қизилгул, кўк узум.

**Курсы қаҳрабо.** Қон кетишини тўхтатади, жароҳатни тузатади. **Таркиби:** қаҳрабо.

**Курсы атрифули чўбичин.** Қон тозалаш, шамоллашга қарши, бачадон яллиғи, мазий бези яллигига тавсия этилади. **Таркиби:** чўбичин, савринжон, қора ҳалила, қалампирмунчоқ.

**Ҳабтанақор.** Табиий маҳсулотлардан тайёрланган кумулач доридан ошқозон-ичак тизими мизожини мўътадиллаштиришда, қабзиятни бартараф қилишда, ҳазмни яхшилашда, озуқаларни сингдиринишида, ичаклардаги тўсиқларни очишида ҳамда қорин осилишини йўқотишида фойдаланиш тавсия этилади. **Таркиби:** жуйина, сабур, асал, фулфул, танақор.

**Табошир.** Мўътадил мизожли гиёҳлар илдизи ва маъданли маҳсулотлардан тайёрланган ҳабдоридан ўт ҳалтаси ҳамда буйрак тошларини эритишида фойдаланиш тавсия қилинади. **Таркиби:** чилғир, табошир,

**Матбуҳи масиҳо.** Абу Али ибн Сино тавсиялари асосида тайёрланган «Матбуҳи масиҳо»ни ҳалқ табобатида таҳдиди оғир бир қатор хасталикларга, жумладан, юрак-қон томир, ўпка, талоқ, буйрак ва жигар хасталиклари шунингдек, ортирилган иммун танқислиги касалликларида фойдаланиш тавсия қилинади. **Мураккаб таркиби:**

**Матбуҳи жадвар.** Оғриқни қолдирувчи, томирларни кенгайтирувчи, буриштирувчи... қирқдан зиёд хасталикларга шунингдек, жаросимлар ва меъда қуртларига қарши самарали восита. **Таркиби:** бубино, жадвар.

## МИНГ ДАРДГА ДАВО ДУОЛАР

Соғлом турмуш тарзи күп маңнода ҳаёт тартибига боғлиқдир, негаки ҳаёттинг ҳар қандай күринишларыда ҳаракат зарурий омил ҳисобланади. Буюк ҳаким Ибн Синонинг «Доимий ҳаракатда бўлган одам табибга муҳтож бўлмайди», деган гаплари исбот талаб қиласа ҳақиқатдир. Саломатликнинг муҳим омили бўлган доимий ҳаракатнинг ноёб күринишлари намоз ўқиётгандан одамда мужассам. Афсуски, шўро замонида биз намозга фақат диний удум сифатида салбий муносабатда бўлиб келдик. Намоз билан машгул одам эрта тонгда туриб, таҳорат олади; намоз ўқиётганида, албатта, сажда, руку ва ҳ.к. ҳатти-ҳаракатларни бажаради, туриб ўтиради, бошини ерга теккизди ва ҳоказо. Намоз инсон соғлиги учун хизмат қилувчи ниҳоятда зарур восита эканлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Намоздаги ҳатти-ҳаракатлар жисмоний машқларнинг ҳамма бажара оладиган турларини қамраб олганлиги билан ҳам муҳим. Намоз ўқиган мусулмон биргина эрта тонгдаги ҳаракатлар билан кифояланмайди, балки буни кунда беш марта тақрорлайди, доимий, куннинг айни бир пайтида бажаради. Шунингдек, намоз ўқаётгандан одамга ҳар қандай шароитда ҳам хурмат ва эҳтиром билан муомалада бўлинади.

Намоз пайтида қилинадиган ҳатти-ҳаракатлар турли хасталикларнинг олдини олишга хизмат қиласи. Масалан, умуртқа погонасининг бел-думгаза қисмидаги остеохондроз хасталигининг вужудга келишига тўсқинлик қиласи, қон айланишининг тезлашувига ва бунинг натижасида тўқималарнинг кислород билан бойишига, аъзоларда дистрофик ўзгаришларнинг камайишига, қон босимининг мўътадиллашувига, аттеросклероз хасталигини асосий омили бўлган ёғ, холестеринларнинг тез парчаланишига олиб келади.

Кўриниб турибдики, намоз киши организми учун ниҳоятда фойдали. Унинг яна бир афзаллиги шундан иборатки, инсон руҳий қувватини бир жойга жамлашга хизмат қиласи. Намоз пайтида киши бутун фикрини бир ерга тўплаб илтижо-дуо қиласи. Бу тадбир фақат жисм учун эмас, руҳият учун ҳам зарурий машқ ҳисобланади. Бу пайтда ўқиладиган сура-дуо туфайли инсон руҳиятида адолат ва тўғрилик майдони вужудга келади. Шу тариқа беш вақт намозда фикрни, қувватни бир ерга тўплаб илтижо-дуо қилган кишининг руҳияти енгил бўлиб, коинот билан боғланади.

Дуонинг киши руҳиятига, саломатлигига ижобий таъсири ҳақида кўп гапирилади. Бугунги кунда жуда кўп мамлакатларда дуо устида таж-

рибалар олиб борилмоқда. Халқимизда дуонинг хосияти ҳақида жуда кўп ривоятлар бор. «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?» деган нақл бекорга айтилмаган бўлса керак.

Муқаддас ҳадиси шарифларимизда Қуръон дуоларининг инсон учун нақадар муҳимлиги хусусида жуда ибратли мисоллар мавжуд:

**Бисмиллаҳир Раҳманир Раҳим  
Қола Расулуллоҳи (с.а.в.) «Хайруллодавои ал-Қуръон»**

Тарж: *Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Давонинг энг яхшиси Қуръондир».*

**Қола Расулуллоҳ (с.а.в.) «Алайкум бишифоайни: Ал-асал вал-Қуръон (Ибн Можа)»**

Тарж: *Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: «Икки шифодан мунтазам фойдаланинг: Асалдан ва Қуръондан».*

Қуръони карим барча қалб ва бадан касалликларининг дунёвий ва ухровий начорликларига ҳамда давосини топишдан ҳар қандай инсон ожиз қолаётган дардларга том маънодаги шифо китобидир. Агар Қуръондан шифо истовчилар унинг шифолигига шубҳа қиласа, имон, ишонч ва эътиқод билан барча шартларини бажарсалар, албатта мақсадларига эришадилар. Кимнинг дардига Қуръон шифо бўлмаса, Аллоҳ унга бошқа шифо бермайди. Чунки у Аллоҳнинг муқаддас қаломидир. Аллоҳ таъоло барча нарсанинг яратувчисидир ва У ҳамма нарсага қодирдир. Аллоҳ Ўзи яратган ҳамма нарсага меҳрибондир, инсонга ҳам, агар Аллоҳ бирор кимсага раҳм қиласа, унга ким ҳам раҳм қиласди. Раҳмати ва азамати туфайли Аллоҳ барча зарарни даф қиласи.

Энди дуо устида олиб борилган гаройиб тажрибалар ҳақида сўз юритсан. Бу ажабтовор ҳодиса 1989 йили машҳур... М. учбурчагида ўзга оламликлар билан ўтказилган учрашувлардан бошланган эди. Мулоқотлардан бирида коинот вакиллари Ҳиндистоннинг Шамбаласи билан боғлансангиз ёмон бўлмасди, дегандек қилишди. Бу жуғрофий жой коинотга очиладиган ердаги кўринмас дарвозалардан бири ҳисобланади. Мулоқотчилар Шамбала билан боғланишган эди, у ёқдан бир йогнинг руҳи алоқага чиқиб, бир дуони ўргатди.

Айтишларича, бу галати дуо уни ўқиган одамни асраб авайлар ва хоҳласа, ҳатто коинот билан боғлаб берар экан. Ишонасизми-йўқми, мана шу дуонинг матни: «Дибиби бибебе козажам ао каия дивака ана ия калак ва лакак я малия музал вяслвиал». Ҳамиша соғ-саломат бўлиб юриш учун шу дуони ҳар куни уйқуга кетиш олдидан уч марта овоз чиқариб тақрорлаш керак экан. Экспедиция Ригага қайтганидан кейин бир руҳшунос бу дуо

ўқилганды одам атрофига қувватли майдон пайдо бўлиб, уни четдан узлуксиз ҳужум қилиб турувчи салбий таъсирилардан ҳимоя қилишини аниқлади. Экспедицияни уюштирган ташкилот ҳисобот билан биргаликда шу дуони эълон қилганида, унинг ўқилиши орқали хилма-хил касалликлардан шифо топган кўплаб одамлар узоқ вақтгача ташкилотга сим қоқиб, мактуб йўллаб, миннатдорчилик билдириб туришган.

Украинадаги вилоят рўзномаларидан бири ўз муштариyllаридан шу дуо билан ўз устларида бир ой тажриба ўтказиб, натижаларини маълум қилишни сўради. Натижалар дуо катта фойда берганини кўрсатди. Ҳатто ақл бовар қилмайдиган ҳоллар ҳам рўй берган эди.

Ригадаги даволашнинг ноанъянавий усуслари ни ўрганиш лабораторияларидан бири жумхурият миқёсидаги шифохонада кўпдан буён хилма-хил дуолардан фойдаланиб келади. Натижалар ҳайратланарли. Олимлар бояги дуони ҳам қўллаб кўра бошлашди. Лабораториядаги руҳиятчилардан бирининг айтишича, бемор билан ишләётган пайтида у шу дуони ичидаги тақрорлайверар, натижада, четдан вужудига улкан қувват оқими кириб келганини сезар, бу эса ўз навбатида беморнинг тезроқ соғайишига ёрдам берар экан.

Тошкент давлат Иккинчи тиббиёт олий билимгоҳининг Ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасида бир қанча вақт дуо устида тажрибалар олиб борилди. Шуни айтиш лозимки, тажрибалар натижаси ақл бовар қилмас даражада аъло эди. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими раҳматли Ҳамидулла Ҳикматуллаев домланинг Куръони карим суралари билан турли дардларга чалинган кўпгина bemорларни даволаганларига гувоҳ бўлган эдик. Афсуски, у кишидан сўнг бу ишга мустаҳкам бел боғлаган, забардаст бир олимни учратмадик ва ниятларимиз ширин орзуларимиз қаторидан жой олди.

Эндиликда дуо давосининг диний-илмий тизимини ишлаб чиқиши ва уни диний ва илмий кучлари етарли бўлган клиникаларда кўллаш вақти етди. Ишончимиз комилки, нағоз ва дуо соғлом турмуш тарзи учун энг зарур омиллардан бири бўлиб қолади.

**Эркин ҚОСИМОВ,**

*тиббиёт фанлари доктори, профессор*



## ПИЁЗ

Пиёз инсон танасига тез таъсири қиладиган хусусиятга эгадир.

Қадим-қадимдан тутқаноқ ва қўёнчик дарди тутганды ёки тасодифан хушдан кетган беморларга пиёзни арчиб, ҳидлатиб хушига келтирганлар. Пиёз ҳар қандай оғир таомни тез ҳазм қилдиради ва ошқозон қобилиятини яхшилайди.

Пиёз инсон танасида бўлган ҳар хил иллат, нохуш ҳидларни йўқотади. Инсон танасидаги, жигар, буйрак ва бошқа аъзолардаги қонни тозалаб, унинг равон ҳаракат қилишини таъминлайди, кишини руҳан тетик қиласди.

Пиёз инсоннинг ҳар қандай муҳитга мослашишига ёрдам беради. Ота-боболаримиз қадим-қадимдан бошқа шаҳарга борганды қатиққа пиёз тўғраб ичганлар ва бу амалиёт туфайли ўша шаҳарнинг иқлимига мослашганлар.

Пиёз қон босими ва қанд дардига қарши курашда ҳам яхши наф берадиган сабзавотлардан ҳисобланади. Қон босими дардига учраган bemорлар қаттиқ ҳаяжонланиш ёки бошқа салбий таъсири орқали қанд дардига ҳам учраб қоладилар. Бундай дардга учраган bemорлар бир килограмм пиёзни ва бир килограмм лимонни (пўчоги билан) майдалаб, уни яхши аралаштириб, шиша банкага солиб, юзини яхшилаб бер-китиб, қоронги жойда ўртacha иссиқликда 8-9 кун сақлаб, сўнг очиб, сувини сиқиб, докадан ўтказиб, ҳар куни овқатдан 40-50 минут олдин бир қошиқдан 3 маҳал истеъмол қилсалар, қон босими, қанд касаллиги дардини енгиллаштиради. Агар бунинг олдини олмасалар, дард зўрайиб, кўзнинг кўриш қобилиятини ҳам йўқотиши мумкин.

Серпиеz бўлган овқат мазали ва хушхўр бўлади. Фарғона водийсида яшовчи аҳоли пиёз шўрвани кўп истеъмол қиладилар, улар бир кило гўштга 4-5 кило пиёзни тўғраб, қайнатма шўрва қайнатадилар. Бу эса шўрвани истеъмол қилувчини қаттиқ терлатиб, тадаги ҳар хил иллатларни йўқотади, инсонни бардам ва руҳини мустаҳкам, тетик қиласди.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари аҳолиси пиёзни нон билан истеъмол қиладилар. Бу билан ўзларини ҳар хил хастилиқдан сақлайдилар. Пиёз кўз нурини яхшилайди. Кўз хирадашиб қолса, пиёзни сувини бурунга бир-икки томчидан томизиб турилса, яхши натижада беради.

Пиёз кўкидан бошлаб севиб истеъмол қилинади. Пиёз ўзида бўлган шифобахш хусусиятини баргida ва уругида ҳам сақлайди. Пиёзни суви уругида оғигига яхши даво бўлади. Ота-боболаримиз пиёз уруғининг тутунига оғизни тутиб, «тиш қурти»ни ва милк шишини даволаганлар, милкларини мустаҳкамлаганлар.

## ТИББ УЛ-МАХБУБ

*Абу Мухаммад Маҳбубий Марғилоний*

*Раҳмли ва меҳрибон Аллоҳ номи билан!*

Мен ушбу китобимни улуг меҳрибон Аллоҳ номи билан бошлайман! Ҳамд ва мақтov барчаси Яратганга хосдир. У инсонларга билмаган нарсаларини билдириб, ҳамма мавжудотдан мукаррам қилди. Беадад ҳамду санолар бўлсинки, инсониятга ҳифзи сиҳат илмини берди.

Расул акрам (с.а.в) айтадилар: "Албатта амаллар ният билан мукаммал бўлади. Ҳар бир нарсанинг калити бор".

Қола (с.а.в): "Иннамал - аъмолу бин - нияти". "Ликулли шайъин мифтахун, мифтаҳ ул - жаннати Ла илаҳа иллаллоҳу Мұхаммадур Расулуллоҳ".

Яъни "Инсонларнинг қиладиган амалларининг даража ва мартабалари уларнинг ниятларига боғлиқдир. Ҳар нарсанинг калити бор, жаннатнинг калити: - La илаҳа иллаллоҳ Мұхаммадур Расулуллоҳ қалимасидир".

Беш вақт намозни ўз вақтида ўқиши, Аллоҳу таолонинг олдига олиб борадиган далил, хужжатдур.

Закот, молу дунёсининг қирқдан бирини дўстларига бериш, бало - офат, ўт - сув, ёмон кўз, ҳасадан тозалаб сакловчиdir.

Рўза, соғ-саломатликни яхши қилиб, дўзахга парда бўладиган тадбирдир.

Абдуллоҳ ибн Масъуд: "Ҳар бир касаллик овқатни кўп ейишдандир" – дейдилар.

Мұхаммад ибн Яманий айтадиларки: "Аллоҳ таолонинг ризосини ихтиёр қилиб умримнинг ҳаммасида рўза тутсам – деб, ўн бир тоифа улуғлардан маслаҳат сўрадим, ҳаммалари бир хил жавоб бердилар:

1. Табиблардан сўрадим: "Дориларнинг тез шифо бўладигани қайси?" – деб. "Очликда, оз еб" – дейишиди.

2. Ҳукамолардан сўрадим: "Яхшиликни қандай қилиб топдингиз?" – деб. "Очликда, оз еб" – дейишиди.

3. Обидлардан сўрадим: "Бу фазилатни қандай қилиб топдингиз?" – деб. "Очликда, оз еб" – дейишиди.

4. Зоҳидлардан сўрадим: "Нима амал билан дунё муҳаббатини йўқ қилдингиз?" – деб. "Очликда, оз еб" – дейишиди.

5. Олимлардан сўрадим: "Илмни қандай қилиб ҳосил қилдингиз?" – деб. "Очликда, оз еб" – дейишиди.

6. Подшоҳлардан сўрадим: "Нонхурушнинг яхшироги қайси?" – деб. "Очликда оз ейиш" – дейишиди.

7. Қариялардан сўрадим: "Қандай қилиб умрларингиз узун бўлди?" – деб. "Очликда, оз еб" – дейишиди.

8. Паҳлавонлардан сўрадим: "Нима билан қувватли бўлдингиз?" – деб. "Очликда, оз еб" – дейишиди.

9. Бойлардан сўрадим: "Нима билан дунё тўплдингиз?" – деб. "Очликда, оз еб" – дейишиди.

10. Валий (дўсти Худо)лардан сўрадим: "Қайси амал билан Аллоҳга дўст бўлдингиз?" – деб. "Очликда, оз еб" – дейишиди.

11. Фақирлардан сўрадим: "Қайси амал билан дуоларингиз ижобат бўлди?" – деб. "Очликда, оз еб" – дейишиди.

Фаҳри коинот (с.а.в) замони саодатларида бир табиби ҳозиқ икки йил хизматда турса-да, бирор саҳобанинг кўзи ё тиши оғримаган экан.

У табиб Ҳазрат Расули Ақрам (с.а.в)га арз қилиб: "Ҳеч ким касал бўлмайди, бу мўъжизами?" – деганда, Ҳазратимиз (с.а.в): "Буларнинг еган оз овқатлари баданларини тарбия қилиб, дардга ортмайди" – дедилар.

Маълум бўлдики, касаллик кўпроқ – овқатни ҳожатдан ортиқча егандан бўлар экан, ё бенамоз ифлослиқдан.

Қола (с.а.в) марҳамат қиладиларки: "Кимки кўлларини ювмай ётса, у пес ёки жинни бўлиб қолса, биронни маломат қилмасин, ўзининг ювиқсиз ва ифлослигидан кўрсин" – деб.

Аллоҳу таоло бизларга Ўз каломида хабар берадики: "Инна акромакум ындаллоҳи атқокум", яъни сизларнинг улуғларингиз, Мендан доимо кўрқиб, итоат қилувчиларингиздир".

Аллоҳдан кўрққан доим таҳоратли юради ва ҳар бир соатда олаётган "800" ширин умр нафасини зикруллоҳ билан чиқаради, ва аҳли аёлинни муҳофаза қилиб, дин илмини яхши ўргатиб, ва биродарига ҳам зерикмай, таъма қилмай ўргатади.

Рисолатпеноҳ (с.а.в.) айтадилар: "Сизларнинг мўминликларингизни Аллоҳу таоло қабул қилмайди тоинки ўз нафсларингга дўст тутган яхши амалларни мусулмон биродарларизга ҳам муҳаббат қилиб ўргатмагунларингизгача".

Яна (с.а.в.) айтадилар: "Хойруннаси ман янфабуннаси" – "Одамларнинг яхшироғи бир одамки, унинг қўлидан, тилидан ва дилидан одамларга яхшилик қилиб фойдалантирадиганидир".

Қовлуху таъала: "Иннамал мўминуна ихватун" - "Барча мўминлар ака-уқадурлар" – яъни: гап шундаки мўминлар Аллоҳ таолонинг борлигига, бирли-

## ГОВЗАБОН

гига, қисматга, гүр азобига, дўзахга, тарозуга, жаннат, Аллоҳ дийдорига ишонган кишилар, ҳаммаси биродардурлар, қайси миллатда, қайси шаҳарда, қайси насабда бўлишидан қатъий назар.

Қола саллolloҳу алайҳи васаллам: "Ал-муслимуна ихвани" – "Ислом динининг беш ҳукмига ишониб таслим бўлганлар яни, мусулмонлар оға-инидиллар"

Қола – фуқаҳоу: "Ал-ахилла-у нафсун ваҳидатун" (Биродарлар худди бир тан, бир жонлик, бир кишидекурлар).

Шунинг учун бир мўмин мусулмонга зарар етса, ё касал бўлиб қолса, дўстлар бепарво бўлмай, тез тадорик шифо ахтаришимиз зарур.

Энг аввал дам солиш керак.

Кейин қирқ (маротаба) "Ёсин" ўқиш керак. Ра сули акрам (с.а.в.): "Ёсин лима кури-а лаху" - "Ёсинни нима мақсадда ўқиса ҳам албатта мақсадга мувофиқ бўлади" – дейдилар.

Аллоҳ ўз қаломида: "Ва яшфи судуро қовмим мўминин", "Ва нуназзилу минал Қуръани мо ҳува шифаун ва роҳматун - лил муминийн". Яни: "Куръон мўминлар қалбига шифо беради" (*Тавба сураси, 14 оят*), "Ва биз Қуръони каримда мўминларга шифо ва раҳмат бўладиган оятларни нозил қилдик", (*Исрор сураси, 82 оят*).

Рисолатпаноҳ (с.а.в.): "Хойрул амри авсатуҳа" – "Ҳамма ишнинг яхшироги ўртачасидур" – дейдилар.

Яна марҳамат қиласидилар: "Инналлоҳу ла ямалу ҳатто тамаллу" – "Албатта Аллоҳга малол келмайди, сизларга малол келмаса" – дедилар. Яни тоат – қадри тоқат бўлиши зарур. Кучи етмаган оғир ишларни қиласлиқ керак ё озроқ қилиши керак.

Дўстлар бизни ёд этиб, ҳамиша дуода бўлишларини Аллоҳдан сўраб Абу Муҳаммад Маҳбубий Марғилоний.

*Абу Муҳаммад Маҳбубий – Марғилоний (Суярхонтўра Исоҳонтўра ўғли (1929-2007) ўз умрлари давомида 20 дан ортиқ тиббий ва илмий-маърифий асарлар ёзib қолдиргандар. Олимнинг "Далил ул-хайрот", "Шифо, оят, дуо ва қасидалар хислати", "Насихатлар", "Никоҳ ва талоқ ҳақида рисола", каби асарлари ҳамда Сўфи Оллоёрнинг "Сабот ул-ожизин" китобига ёзилган шарҳлари ниҳоятда машҳур. Укишининг табобат соҳасидаги ижодлари ҳам диққатга сазовордир. Айниқса ҳалқ табобатининг асосий рукнларидан бўлган ислом табобати бобидаги ижодларини ўрганиш ва тадқиқ қилиши ниҳоятда зарур. Бу ишнинг дебочаси сифатида ҳазратнинг фарзандлари Асилхонтўра юқорида сиз кириш қисмидан баҳраманд бўлаётган "Маҳбубий табобати"ни "Наврӯз" нашриётида тиб илмининг устози тиббиёт фанлари доктори профессор, Дамин Асадов таҳрири остида нашр қилдирди.*

Говзабон кампирчондошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимлик бўлиб, барглари узун ва катта, ҳамма қисми тиканга ўҳшаган тукли, мол тилига ўҳшаган ғадир-будур, худди тикан мисол пашмакли бўлади. Гуллари тўғри бўлиб, гажак тўпгулга бирлашган, уруғи майда, тўла, ги-лофлар ичида жойлашган оқ, махсар уруғидан ингичкароқ.

Ушбу ўсимлик кўпинча ташландиқ ерларда, ёввойи ҳолда ўсади, уни хушманзара ўсимлик сифатида боғ ва ҳовлиларга экишади ҳам.

Унинг янги, ҳўлининг мизожи биринчи даражада иссиқ ва ҳўл, бироқ қуритилса, рутубати тўкилиб, мизожи қуруқча мойиллашади. Етти йилгача кучи сақланади.

Унинг шифобахшлик хислатлари: унинг умумий хусусиятлари: манбаи инсон мияси бўлган нафсоний, манбаи юрак бўлган ҳайвоний ва маркази жигар бўлмиш ҳарорат руҳларга куч багишлайди. Шунингдек, тананинг тугма ҳароратини оширади, юрак, мия, жигар, меъда, буйрак ва хоялардан иборат шоҳ аъзоларга куч багишлайди, одамнинг ўндан бир қисмини мустаҳкамлайди, ични юмшатади, кўйган ахлат, савдонинг ўзидан ҳосил бўлган савдои моддани иҷетар билан бадандан ҳайдайди, шунингдек, ушбу моддаларнинг заарларини бартараф этади, шу билан бирга, барча савдои иллатларни бир-еъли қиласи.

Агар говзабонни ўзига муносиб дориворлар билан бирга қайнатиб истеъмол қилинса, сарсом – мия пардалари ва миянинг ўзидағи шишлир, яни менингит, кўкрак қафаси ёнидаги пардалар шиши, меланхолия ва жиннилиқ дардларига даво бўлади, одамнинг барча ҳисларини мустаҳкамлайди, рангрўйни очади, хушнудлик багишлайди, ўпка атрофидаги дагалликлар ва кўкрак ичидаги аъзолар, йўтал, астма, томоқ, ўпка хасталиклари, юрак ўйнаши, қўрқиш, хавф-хатар, гам-ташвиш, ваҳима – ҳамма-ҳаммасига шифо багишлайди, буйрак ва қовуқ тошини майдалаб тўкиб юборади.

Гулхайри қайнатилган сув билан говзабоннинг қайси қисми бирга ичилмасин, юқорида айтиб ўтилганлар билан бир қаторда кўкрак қафасининг орқа томонидаги парда шишлирни, нафас йўллари иллатларини бартараф қиласи, сил ҳамда сарик хасталикларига шифо багишлайди.

Говзабонни куйдириб, кули оғизга сочилса, гўдаклар оғзи пишишига даво бўлади, шунингдек, оғиз бўшлигининг ачишишини даф этади, тиш милқидан қон кетишини тўхтатади. Говзабонни ейиш ва истеъмол қилиш буйракка зарар етказади – оқ сандал ейилса зарари бартараф бўлади. Говзабон ўрнига куйган хом ипакни истеъмол қиласа ҳам ўша фойдани беради. Ушбу гиёҳнинг ҳўлининг сувини олма ва узум майизи сувидан аралаштириб шароб ясаб, ундан 9 грамм ичилса, 300 грамм оддий шаробдан кучлироқ ҳузур багишлайди, лекин одатдаги шаробга ўхшаб ақлни бежо қилмайди.

## ШИКАСТА ДИЛ ФИГОНЛАРИ

«Ёшим 32 да. Қишлоқда түгиліб ўсғанман. Ҳозир пойтахтда болалар шиғокори бұліб шилайман. Пешоңамга иккі маротаба үйланиш ёзилған экан. Илк рафиқамнинг оқыла, қаноатлы аёл эканлыгини, ағасуски, энді англағ етдім.

Үқишини тугаллаб, фарзандлы бұлғач, ижарада яшай бошладик. Бор-йүғи бир хонали үйдан иборат ҳотам-той «аканг қарғай»нинг хонадони бозорға келадиган аксари ҳамқишилоқтаримизнинг мәхмонхонасидай бұліб қолғанды. Оиласындағы союқчылық оралай бошлади. Гоҳо түшакдагы әр-хотинлик муносабатын унут бұліб кетар, рафиқам ўғым билан ошхонада ухлашыға мажсбур бўлишарди. Ичкиси, бор-будимни дастурхонга тўкиш хонадонимдан баракани ҳам кўтарди. Үйга келадиган «мәхмон»лар орасида келинпошиша менга муносиб эмаслигини гап устида қистириб ўтадиган айрим маслаҳатчилар пайдо бўла бошлади. Охирни ажралишга бориб етдик.

Каминаға мактабни энді тугаллаган, «онаси ўтмаган сулув» ҳамқишилоқ қиз насиб этди. Ўша ҳамқишилоқтаримдан қарз кўтариб, ижарада яшайдиган бир хонали уйни сотиб олишы ҳам мудаффақ бўлдим. Энди үйимга нафақат бозорчилар, балки пойтахтга келадиган узоқ танишлар ҳам «бостириб» келишга одатланишиди. Янги келинчак кир-чиру, турмуш икиси чикирларидан ортмай қолди. Бора-бора барчасидан чарчай бошладим. Шундай шароитда иккى фарзандли бўлдик. Кундан-кунга яшаши шароиттимиз оғирлаша бошлади. Дастурхонимиздан барака кўтарилиди, сиҳатим ёмонлашиди. Рафиқам билан ўгринча, қисқа муддат эр-хотинлик муносабатида бўлардим. Бора-бора рафиқам, фарзандларим, ўзим ҳам турли дардларга гирифтор бўла бошладик. Чунки үйимизда даволанишига келган мәхмонлар ҳам яшашарди. Дастреб бутун оиласын билан «қўтири», «қўчимма» дардига йўлукдик. Чунки бозорчи қариндошлар эски фуфайка ва пайтаваларда ҳам келаверишарди. Чойшаблар, сочиқлар, оёқ кийимлари ҳам умумий бұліб кетганлиги сабаблами, оғимда замбуруғли касаллик пайдо бўлди. Ёш рафиқамдан ҳам кўнглим совиди, у мени «бобой» деб чақиришига одатланди.

Шундагина илк рафиқамнинг қадрига ета бошладим. Чунки у мәхмонларни очиқ чехра билан күтиб олмаса-да, уларнинг кийим-бошлари-ю, пойабзалларини келганлари ҳамоно тозалаб қўяр, улар кетгач, чойшабу сочиқларни қайнатиб ювишдан эринмасди. Шу боис ҳам соғлом яшаган эканмиз. Илк рафиқам айрим кунлари шидан эртароқ қайтишишни сўрар, келишишга ширин таом тайёрлаб, кундузи бўлса-да эрхотинлик муносабатини амалга оширишишнега имкон яратарди. Ўйлаб қарасам, унинг ҳисобига эркаклик қувватим сақланиб, дардга йўлиқмаган эканман.

Ўзимдан ўн ёш кичик иккинчи рафиқам эса яқин кунлардан бошлаб арзимаган нарсага жанжасал чиқаришига одатланди. Унинг назарида «чол» бўліб қолган-лигим, мәхмонлардан ортмаслигим сабаблами, навбатдаги турмушим ҳам бузилиш хавфи остида.

*Асрор*

Мұхтарам ўқувчи, келинг, ушбу қисмат соҳиби кечмишларига теранроқ назар солиб, турмушимизга раҳна солаётган атрофимиздаги айрим қусурли жиҳатларни англашга ҳаракат қиласылар. Даставвал, фасоҳат ва фаросат бобида замондошларимизга ибрат манбай сифатида айрим ўйтларга ўрин берайлик. Зеро, бу шаръий ўйтлар тиб илми алломалари фикрлари билан ҳам ҳамом-ҳангидир.

1. Ота-боболаримиз ҳовли-жой қилғанларида уни ички-ташқи қисмларга бўлғанлар. Зеро, ички ҳовлига номаҳрам кишининг қадам босиши оила шаънига таҳдид дея қабул қилинишида ҳам олам жаҳон ҳикмат бор. Бор-йүғи бир хонадан иборат хужрада истиқомат қиласидан кишининг уйида тунаш, эр-хотинлик иттифоқига аста-секин зарба беришдан ўзга нарса эмас. Оила нафақат илоҳий мўъжиза, балки мўъжаз ватан ҳамдир. Унинг чегаралари ор-номус, ибо-ҳаё, сир-синоатлар билан муҳофаза этилишга муҳтож.

2. «Мәхмон – отангдан улуг» нақли ўринли, албатта. Аммо эр-хотин ётогида ҳам муқаддаслик мавжуд. Демак, ётоқхона вазифасини ўтовчи хонада ҳафталағ қўним тошип, аслида андишасизлик, бефаросатликдан ўзга нарса эмас. Қолаверса, эркакка мәхмоннинг ёнида, оила аъзоларидан алоҳида ўрин солиши ҳам асло мезбонлик таомилига ва сиҳатга мувофиқ келмайди.

Чунки эркак кишининг ҳафталағ жинсий муносабатдан мажбурий мосуво этилиши уни димланган простатит каби оғир дардларга гирифторм этади. Бежиз, Рамазон ойида ҳам оқшомлари жинсий муносабатта рухсат этилмаган. Қолаверса, аёли вафот эттан эркак учун илдадек муддатлар тайин этилмаслиги, тез фурсатда уйланнишга рухсат мавжудлиги ҳам исломий аҳкомларнинг нақадар бекаму қўстлигидан далолатдир. Онаси ўлтгач, ўғил отасини ўйлантириши шартлигига ҳам ҳикмат бор.

3. Суҳбатдошимиз ўз ҳамкасабаси бўлган, оқыла шиғокор аёлдан ажралиб кетишига ҳам талай омиллар сабаб бўлган.

Биринчидан, андишадан бегона, саноқсиз мәхмонлар эр-хотин орасидаги интим муносабатта ташналиқ ҳиссиятига дарз етказишиган. Зеро, мусулмончиликда оила бузилишига, яъни талоққа қадар бир қанча босқичлар мавжуд. Дастреб, эркак киши аёлита панд-насиҳат қиласиди, кор қиласа, тўшагини алоҳида қилиш билан жазолайди. Демак, эр-хотиннинг алоҳида ётиши талоқ томон қўйилган салмоқли қадам экан.

Иккинчидан, жинсий эҳтиёжнинг мунтазам равишида қонмаслиги эрнинг ҳам, хотиннинг ҳам асабий-бекарор бўліб қолишига сабаб бўлади. Қолаверса, аёл кишининг лаззат топа олиш шартларидан бири уйида эри билан холи қолиши ва эркалоччи сўзлардан имкон қадар кўпроқ баҳраманд бўлишидир.

Учинчидан, оиладаги ички масалаларга атрофдагиларнинг таъсири нечогли салмоқли бўлса, турмуш шу қадар омонат бўлади.

Ағасуски, бугунги кунда ажралишларнинг кўпайиб кетаётганлиги сабабларидан бири ҳам оиласининг ташқи салбий таъсиротлар комида қолиб кетаётганлигидир.

Тўртингчидан, йигитнинг иккинчи оиласи ҳам бузилиш хавфи остида қолганлигидаги юқоридаги сабаблардан ташқари ёшлари орасидаги фарқнинг ҳам ўрни бор.

Аммо, энг асосийси, йигирмадан энди ҳатлаб ўтган келинчакнинг руҳий далдага, суҳбатларга эҳтиёж сезишидир. Қолаверса, ўттиздан ошган йигитнинг мижози анча суст бўлиб қолишига ҳам меҳмонларнинг кўнглини оламан деб оиласига, вужудига зулм қилаётганилиги сабаб бўлган.

Бу йигитни текширишлардан ўтказиб, унга «Мураккаблашган мижоз сустлиги, сурункали простатит, асабий-руҳий бекарорлик» деган ташхис қўйдик. У ўз ҳаётида икки инқолобий ўзгариш ясашга сабот-имкон топиб, ҳаётини бутқул янги изга солди:

Биринчидан, у ўз вужудидаги дардлардан қутулиш учун астайдил ҳаракат қилиб, мақсадга эриши. Улфатчиликлардан, майшатдан, ичкиликбозликлардан воз кечиб, илмий ишини қайтадан бошлади. Спорт, ибодатни ўзига йўлдош қилди.

Иккинчидан, марказдаги бир хонали уйини бозорлардан йироқ, шаҳар четидаги икки хонали уйга алмаштириди. Рафиқасини, фарзандларини атроф-муҳитнинг зарарли таъсиротларидан халос қилиб, оиласини тубдан ислоҳ қилди. Ҳозир уларнинг хонадонига фақат яқин қариндош-уругларигина онда-сонда ташриф буюриштган экан, холос. Богчада тарбиячи бўлиб ишлаетган рафиқаси эндиликда эри йўқ пайтда ҳам маҳрам бўлмаган меҳмонларнинг хонадонига аввалгидай сурбетларча кириб келишига изн бермаётганилиги ҳам аслида ибратли ҳолдир.

Афсуски, эр-хотинлар орасида жинсий дисгармониянинг пайдо бўлишида «одамгарчилик»ка йўйиладиган айрим қусурли одатларнинг сабаб бўлиш ҳолатлари борган сари кўпроқ учрамоқда.

Қабулимда бўлган аксар оилалар орасидаги можароларга бир хонадонда кўплаб оилаларнинг биргаликда яшашлари, серфарзандлик боис эр-хотин тўшагига болажонларнинг «шерик» бўлиб қолиши ҳам сабаб эканлиги кузатилади. Қолаверса, олис худудларимиздаги қишлоқларда болаларнинг доимо ота-она билан биргаликда, бир хонада ётишлари ҳам тиббий жиҳатдан асло тўғри эмас. Эр-хотиннинг тўшакдаги муносабатлари «болам уйғониб қолмасин» қабилида хуфёна, қисқа муддатда кечиши оила бирдамлигига дард етказувчи омиллардан-дир.

Қолаверса, бу ҳол бора-бора аёлдаги жинсий совук-қонликка ва эрдаги мизож сустлигига олиб келади. Айрим эркакларнинг кўча-кўйга интилишлари-ю, оиласига хиёнат қилишларининг илдизи ҳам кўпинча аҳамият берилавермайдиган мана шундай ноўнгай шароитлар боис юзага келиши ўз илмий исботини топган.

Шунингдек, бола икки ёшдан ҳатлаб ўтган заҳотиёқ, алоҳида хонада, ўз жинсдошлари (ўғил бола – ака-укалари, қиз бола – опа-сингиллари) билан ётишига имконият яратиш лозим. Бу жинсий тарбиянинг амал қилиниши шарт бўлган талабларидан бири ҳисобланади.

**Ўқтам Муҳаммад Мурод**

## ДУОЛАР ИЖОБАТИ

Ривоят қилишларича, бир ғайридин киши етмиш ўйл бутпарастлик билан шуғулланган экан. Бир куни унинг якка-ю ягона ўғли оғир дардга чалиниб қолибди-ю, ҳалиги киши бутхонага кириб, бир бутнинг оёғига бош қўйиб дебди:

— Мен етмиш ўйлдирки, сизларнинг хизматингизданман. Бутун бир талаб билан келдим, ўғлимни дардан халос этинг, саломатлик ато қилинг.

Ҳеч бир бутдан садо чиқмабди. Фамга ботиб, уйига қайтаётган бутпараст масжидда Аллоҳга ибодат қилаётган мусулмонларни кўриб қолибди. Шунда у ўзига-ўзи деҳди: «Масжидга кириб, мен ҳам Аллоҳга ёлборайин, ўғлим ҳақида илтимос қилай, шоядки ўғлимга сиҳат ато қилса!»

У масжидга кириб, бошини саждага қўйибди ва:

— Илоҳи, Сенинг минг сифатингни эшитиб, даргоҳинга бош уриб келдим, ноумид қайтармагил, ўғлим ўлар ҳолатда ётибди, Ўз имкониятинг бирла унга сиҳат ато қилгил! – дебди.

Ўша ондаёқ уйда оғир ётган бемор ўғил дардан фориғ бўлибди. Йигит ўрнидан туриб, бутхонага отасини излаб борибди. У ердан топмай, қайтиб келаётсиб, отасининг масжидда ўтирганини кўрибди. Отаси зору тазарру қилиб:

— Эй Аллоҳ, мени ноумид қилма, ўғлимга шифо ато эт! – дер экан.

Шунда ўғил:

— Отажон, бошингни қўттар, ўн саккиз минг оламни яратган Аллоҳ, таоло менга сиҳат ато этди! – дебди.

Ота қаршиенда турган ўғлини кўриб:

— Эй, Холиқи оғоқ, етмиш ўйлдирким, Сенга бегоналик қилибман, Сенинг ризолигинг учун бир қадам босмабман, энди Сендан тилагим шуки, етмиш ўйллик душманлигимни ўз иноятинг билан дўстликка айлантири, чунки Сен тилагимни бир зумда ижобат қилдинг! – деб ўғли билан иккovi имон шарафига мушарраф бўлибдилар ва «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур Расууллоҳ» дейя калима келтирибдилар.

## ИНСОННИНГ МИЯ ФАОЛИЯТИ УЧУН НИХОЯТДА ЗАРУР БЎЛГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ:

**Олма, ўрик, мол гўшти, сабзи, гулкаралар, селдир, бодринг, гилос, қуруқ мева-лар, хом тухум сариги, балиқ, саримсоқ, узум, буйрак, жигар, сут, зайтун ёғи, пиёз, апелсин, нўхат, картошка, петрушка, қулупнай, ундирилган буғдой, кунгабоқар ёғи, буғдой кепаги, ёнғоқ.**

## КАСАЛЛИКНИ ЎРГАНИШ

**Мұхаммад Ҳамроев**

**Касаллик аломатлари.** Касаллик аломатлари касаллик сабабларидан баданда пайдо бўлган бир хил белги, ҳолат ва қайфият бўлиб, ҳар бир касалликниң ўзига хос белгилари бўлади. Бу белгилар ҳақида биз касалликни даволаш ҳақидағи бобда алоҳида тўхталиб ўтамиш. Қўйида эса касаллик белгиларининг умумий аҳволи ва ҳар хил мазмунларига асосан ҳар хил турларга бўлининши ҳақида маълумот берамиш.

1) Бадандаги умумий белгилар (аломати омма) ёки мизожга хос белгилар (аломати мизожи); бутун баданда кўринадиган ва мизожга хос ифодаланадиган белгилар.

2) Баданинг алоҳида бир ерига хос белгилар (аломати маҳоми).

Инсон баданининг маҳсус ёки маълум қисмида кўриладиган белгилар.

3) Ошкора белгилар (аломати зоҳира). Табиб бир кўришда ёки тутиб кўрганда фарқлайдиган белгилар.

4) Ички белгилар (аломати ботиний). Маълум бир касаллик белгилари фақат беморнинг ўзига маълум бўлади.

5) Қўшимча белгилар (аломати ширхи ёки аломати арозий). Фавқулодда пайдо бўлиб қолган белгилар.

6) Башоратчи белгилар (аломати мунзира). Аслий касаллик бошланишидан олдин ошкора бўладиган белгилар. Масалан, сакта касаллиги бошланишидан олдин бош қийшайиши, «қулоқ қичқириши» ёки қўзда қизиллик пайдо бўлиши.

7) Маҳсус белгилар (аломати хусусий). Маълум бир хил касалликда кўриладиган алоҳида ва «типик» белгилар.

8) Чиқиштирма белгилар (аломати ташхисия).

Бир касалликни бошқа бир касаллиқдан фарқлантирадиган белгилар

**Касаллик түри.** Ўзбек халқ табобатида касалликларнинг келиб чиқиши сабаблари, белгилари ва касал аъзонинг тузалиши жараёнига қараб касалликлар бир неча турга бўлинади ва шунга кўра даволаш, парварин қилиши усувлари ишлаб чиқилган.

Касаллик — одам бадани маълум бир аъзосининг шакли ёки хизматининг табиий ҳолатидан ғайритабиий ҳолатга ёки мувозанат бузилиши ҳолатига ўзгариб қолинишдан иборат.

Бундай мувозанат бузилиши уч даражага бўлниади:

Биринчи ўзгариш (тагайиур);

Иккинчи хизматнинг бузилиши (нуқсон);

Учинчи хизматнинг бутунлай тўхташи (бутлан).

Масалан, кўзининг кўриши кучи маълум даражакада ожизлаши, тагайиур даражаси, ярим кўрадиган бўлиб қолса, нуқсон даражаси, бутунлай кўрмас бўлиб қолса, бутлан даражаси бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай касаллик мана-

шу уч даражанинг бирортасидан холи бўлолмайди. Шунга кўра ишлатиладиган дорилар ҳам миндор ва қувват жиҳатидан даражага лойиқ бўлади.

Ҳар қандай бир касалликнинг шаклланиб чиқиши ва моҳияти ёлғиз (муфрод) касаллик ҳамда қўшма (мураккаб) касаллик деб иккى турга бўлиниади.

**Ёлғиз (муфрад, оддий) касаллик.** Ёлғиз касалликлар (маризи муфрад) уч катта гурухга бўлиниади:

Биринчи — мизожнинг бузилиши (сун мизож),

Иккинчи — аъзо шаклининг ўзгариши (маризи тарқиб),

учинчи — аъзо бутунлигининг бузилиши, ажралиши (тагарру қулиттисал).

1) Мизожнинг бузилиши.

Сун мизож — мизожнинг бузилиши ёки ўзгариши бўлиб, бу ерда айтилган «мизож» ҳар қандоқ тирик бир андомнинг одатдаги маҳсус табиий қайфияти, меъёрий ҳолати, табиий хизматига қаратилган ҳамда маълум бир аъзонинг модда алмашинуви, қон айланиши, табиий ҳарорати, табиий қуввати ва тегишли хизматини мувофиқ уddaлаши каби вазифалардан таркиб топган шаклга қаратилган, бир жумла сўз билан таърифлаганимизда бу соглиқ демакдир.

Ана шу ҳолатларнинг қай бири ўз меъеридан чиқиб кетганлиги касаллик ёки мизож бузилиши — сун мизож деб аталади. Сун мизожнинг моҳиятига эътибор қилинг: маълум бир аъзонинг аслий қурилишида ғайритабиий ўзгариш ёки бузилиш бўлмай, унинг хизмати (мизожи)да ғайримеърий модда (хилт)нинг сабабидин ёки бир хил меъерсиз қайфият (иссиқлик, совуклик, ҳўллик, қуруқлик)нинг таъсирида меъерсиз ўзгариш пайдо бўлган бўлади. Масалан: маълум бир ошқозон касаллигини текширганда гарчи унинг қурилиши ёки шаклида бир қандай ўзгариш бўлмаса-да, овқат ҳазм қилиш хизмати юқорида келтирган сабабларга кўра бузилган бўлса, бундай касаллик сун мизож деб аталади. Баъзи ҳолатларда сун мизож даври узоқ муддат давом қиласа, шу аъзонинг қурилишида ҳам ўзгариш бўлиши табиийдир. Масалан, узоқ муддат сунъий жавҳарий таъбга эга кимёвий дориларни истеъмол қилиши натижасида ошқозон ҳароратининг бузилиши ва ошқозон қизиши оқибатида ошқозон ярасининг келиб чиқиши каби.

Мизожнинг бузилиши (сун мизож) нусхасидаги касалликлар, мизожнинг моддасиз бузилиши (сун мизожи сазаж) ва мизожнинг моддий бузилиши (сун мизожи моддий) деб иккى гурухга ажратилиб ўрганилади. Уларнинг ҳар бири саккиз хилдан иборат.

(Давоми келгуси сонларда)

# ИНФАРКТ ВА ИНСУЛЬТГА ҚАРШИ ШИФОБАХШ БАЛИСОН

Одамнинг қон томирлари узоқ йиллар давомида қондаги мой миқдорининг ошиши натижасида ўзининг табиий тозалик ҳолатини ўйқотади. Қоннинг таркибидаги балғамнинг ошиши унинг ёпишқоқлигини оширади. Қоннинг таркиби «камбағаллик» сари юз тутади – кальций ва темирнинг озайиши кузатилади. Жигар фаолиятининг сустлашуви хилтлар мувозанати бузилишига олиб келади. Хилтлар мувозанати бузилиши оқибатида ички аёзолар фаолияти издан чиқади.

Бошқача айтганда вужудда тиқилмаларнинг ҳосил бўлиши (зашлакованность организма) оқибатида келиб чиқсан умумий жаросим ҳолати (всеобщие гнилостные изменения) бу зааркунандаларнинг яшаши ва кўпайиши (гноеродная инфекция) учун шароит туғдиради. Бу ҳолат инсон баданидаги давомий ҳолатдир. Микроорганизмлар қон оқими билан юракка боради) ва юрак деворларига жойлашиб, тўқималарга зарар етказади. Юрак ички деворларила чандиқлар пайдо бўлади. Бу чандиқлар қон оқими равонлигига тўсқинлик қиласди. Натижада қон босими ошиб, юрак зўриқиши кучаяди. Ёш ўтган сайн чандиқлар кўпаяди, юракда кислород этишмовчилиги келиб чиқади ва юрак мушак тўқималари парчаланиши бошланади. Ана шундай шароитда, маълум бир вақтда юрак деворлари зўриқишига чидай олмайди ва фожеанинг рўй бериси муқаррар.

Инфаркт юқумли бўлиши мумкинми? Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Фарб медицинаси вакиллари бу эҳтимоллик устида иш олиб бордилар. Швециянинг Упсала шаҳрида кетма-кет инфарктдан вафот этган сакизта спортчининг юраги хламидийлар (паразит бактериялар – жаросимлар) билан тўлиб кетганининг гувоҳи бўлишиди.

Сўнгги йилларда кўпчилик Фарб олимлари инфаркт ва бошқа юрак хасталикларининг келиб чиқшишига баданда микропаразитларнинг кўпайишини асосий сабаб қилиб кўрсатмоқдалар.

1988 йилда Финляндиялик микробиолог эр-хотин Сайккулар тасодифан атеросклероз билан хасталанган беморлар қонида хламидийларга ва уларнинг кўпайишига қарши турадиган кучлар – антителалар жуда кўпайиб кетганининг гувоҳи бўлишиди. Антителаларнинг унча хавфли бўлмаган жаросимлар – хламидийларга нисбатан, ниҳоятда қаттиқ қаршилик кўрсатиши олимларни қизиқтириб қолди. Чунки яқин орада кашф қилинган беозор хламидийлар «нари борса, нафас йўлларининг енгил шамоллашини келтириб чиқариши мумкин, аммо саломатликка унча жиддий зарар етказа олмайди» деган ақида тиб илмida ҳукмрон эди.

Жуда кўп ўтмай Сайккулар яна бир ажойиб кашфиёт қилишиди. Улар инфаркт билан хасталанган жуда кўп bemорлар қонидаги антителаларнинг миқдори ниҳоятда юқорилигини исботладилар. Америкалик Иозеф Мулештайн 90 та беморнинг юрак

тож томирларидан катетер ёрдамида склеротик қуйқаларни олиб текширганида улардан 70 тасининг қуйқалари ёғ, оҳак ва хламидийлардан иборатлиги маълум бўлди. Турли мамлакатлarda ўтказилган тадқиқот муаллифлари инсониятнинг энг катта душмани, хламидийлар – инфарктнинг асосий сабабчилари топилганини эълон қилдилар ва дунё олимлари бу кашфиётни оламшумул сенсация деб атадилар. Америкалик кардиолог Уэйн Александр таъбири билан айтганда бу кашфиёт тиб илмининг инфаркт ҳақидаги тасаввурини мутлақо улоқтириб ташлади.

Юрак офати – инфаркт ҳақидаги дунё олимларининг бугунги фикрлари минг йил аввал бобокалонимиз Ибн Синонинг юрак хасталиклари ҳақидаги фикрларининг нақадар тўғрилигини исботлаб турибди. Ибн Синонинг тўрт хилт мувозанатининг бузилиши касалликни келтириб чиқариши ва балғамнинг кўпайиб кетиши оқибатида юқори нафас йўллари шамоллаши, ўпка хасталиклари келиб чиқиши, шунингдек, совуқ-хўл мизожга эга балғам таркибида турли совуқ жаросимлар мавжуд бўлишлиги, балғам қоннинг ёпишқоқлигини ошириши натижасида қуйқаларнинг юрак деворларига салбий таъсири, ҳамда юрак офати-инфаркт ва сакта (инсульт) ҳақидаги фикрлари бугунги кунда ҳам таҳди迪 оғир юқоридаги хасталикларни даволашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон халқ табобати академиясининг бир гуруҳ табиблари ва халқ табобати соҳасида изланишлар олиб бораётган олимлари Ибн Сино тавсиялари ва Мухаммад Аъзамхоннинг «Иксир Аъзам» асаридаги кўрсатмаларига таяниб, атеросклероз, инфаркт ва инсультнинг олдини оладиган, организмни хламидийлар ва бошқа жаросимлардан тозалаш хусусиятига эга бўлган «Тангрито замзами» деб аталган ва таркиби қуйидагича бўлган шифобахш балисон (бальзам)ни яратдилар:

**Таркиби:** шарбати бодранжбуя, шарбати абрешим, гулоб, долчин, зағфарон, арақи говзабон, қалампирмунчоқ, уди ҳиндий, талха илдизи, румбодиён, таранжубин, жавзибавво, сабр, ҳоши, хиёр уруги, созаж, сано, турбут, қундуз қаҳри, афтимун, эрманн үсорис, жинтиёна, устихудус, ёнғоқ пардаси, асал, ангуришифо, ширинмия.



# Шеър табобадти

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ТАБОБАТИ АКАДЕМИЯСИ НАШРИ  
ИЛМИЙ-ТИББИЙ, МАЪРИФИЙ-ҶОМУСИЙ ЖУРНАЛ

Журнал индекси 1055. Обуна ҳамма алоқа  
бўлимларида қабул қилинади.



ISSN 2181-6719

